Ф.Б. САГУ читального зала

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАРСОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

5-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 214 (1218)
28 ОКТЯБРЬ
СЕШАНБА
1958 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

*26 октябрда **Бўстонлиқ, Бўка, Сирдарё** районлари ҳамда **6-„Кўкорол“, „Мирзачўл“** ва **„Оққўрғон“** совхозлари давлатга йиллик планнинг **2 процентидан** ошириб пахта топширдилар.*

Пахта тайёрлаш илғорларидан намуна олингиз!

Пахтакор ўртоқлар, кунига 2 процентдан ва ундан ҳам ошириб пахта тайёрлаш учун суръатни тобора кучайтирайлик!

Барча куч ҳамда техникани теримга тўла сафарбар қилайлик!

Ҳисобот-сайлов йиғилишларини уюшқоқлик билан ва юксак савияда ўтказайлик

Шу кунларда областимизнинг шаҳар ва қишлоқларидаги бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари давом этмоқда. Бу йиғилишлар КПССнинг навбатдан ташқари XXI съездини муносиб кутиб олиш учун совет кишиларининг сиёсий активлиги гоят ўсган ва меҳнат ғайрати бениҳоя тўлиб-тошган бир шароитда ўтаётир.

Шу нарсани мамнуният билан қайд қилиб ўтиш керакки, ҳисобот-сайлов йиғилишларининг дастлабки якунлари партия ташкилотларининг жанговарлик кобилияти анча ўсганлигини, партия ички демократияси нақадар мустаҳкамланганлигини ва коммунистларнинг ижодий активлиги ҳар қачонгидан ҳам ошганлигини кўрсатмоқда.

Бошланғич партия ташкилотлари ҳисобот даври мобайнида омманинг ижодий ташаббусига моҳирлик билан бошчилик қилиб ва хўжаликка раҳбарликни ҳар томонлама яхшилаб, катта муваффақиятларни қўлга киритдилар. Йиғилишларда сўзга чиқаётган коммунистлар эришилган ютуқларни қайд қилиб ўтиш билан бирга йўл қўйилган камчиликларни танқид ва ўз-ўзини танқид асосида дадиллик билан очиб ташламоқдалар, партия ташкилотлари фаолиятининг ҳамма соҳаларидаги ишларни яхшилаш тўғрисида жон куйдириб гапирмоқдалар.

Тошкент ирригация машинасозлиги заводи партия ташкилотининг якинда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида сўзга чиққан кўпчилик коммунистлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва уни бошқаришда йўл қўйилаётган камчиликларни рўй-рост очиб ташладилар. Бу корхона ўтган ойларда экскаватор паркига запас қисмларни белгиланганидан кам етказиб берган, цехларда брак ва сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришга йўл қўйилмоқда, технология процесслари такомиллаштирилмаётир, техника раҳбарлиги савияси паст. Нотиқлар ишчилар билан инженер-техник ходимлар ўртасидаги ҳамкорлик мустаҳкам эмаслиги, рационализаторлик ва ихтиророчилик ҳаракатига етарли аҳамият берилмаётганлиги, мавжуд ускуналар қувватидан ва ҳомашё ресурсларидан рационал фойдаланилмаётганлигини конкрет фактларда кўрсатиб ўтдилар ҳамда бу масалалар билан жиддий шуғулланмаётганликлари учун партия бюросини ва хўжалик раҳбарларини каттик танқид қилдилар.

Пахта етиштириш ва олинган социалистик мажбуриятни бажаришнинг таҳлили ҳал қилинаётган шу кунларда кишлоқ партия ташкилотлари катта синов олдида турибдилар. Областимиз бўйича мамлакатга 500 минг тонна пахта етказиб бериш партия ташкилотларининг омманинг ватанпарварлик ҳаракатига моҳирлик билан бошчилик қилишларига боғлиқ. Шунинг учун ҳам кўпгина колхоз, совхоз, РТС партия ташкилотларининг ҳисобот-сайлов йиғилишларида коммунистлар хўжалик раҳбарлари ва партия ташкилотлари адресига каттиқ танқидий мулоҳазаларни айтмоқдалар.

Сирдарё районидаги Хрушчев номли колхоз партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши худди ана шундай танқид ва ўз-ўзини танқид белгиси остида ўтди. Коммунистлар партия ташкилотининг асосан хўжалик ишлари билан ўралашиб қолиб, омма орасида сиёсий ва ташкилотчилик ишлари олиб боришни унутиб қўйганлигини, дала шийпонлари оммавий агитациянинг чинакам марказига айлантирилмаганлигини, лекция ва суҳбатлар камдан-кам ўтказилаётганлигини ҳамда коммунистларнинг сиёсий ўқишига юзаки раҳбарлик қилаётганлигини кўрсатиб ўтдилар.

Ҳисобот-сайлов йиғилишлари бошланғич партия ташкилотларининг амалий фаолиятига — хўжалик вазифаларига раҳбарлик қилишдаги, партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларни олиб боришдаги фаолиятига якун ясайди, бу соҳадаги хато ва камчиликларни тугатиш йўлларини кўрсатиб беради. Шу туфайли ҳисобот-сайлов йиғилишларини ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилган ҳолда юксак савияда ўтказиш район ва шаҳар партия комитетларининг диккат марказида туриши керак.

Лекин шуни очиқ эътироф қилмоқ керакки, айрим жойларда бошланғич партия ташкилотларининг ҳисобот-сайлов йиғилишларига бўш раҳбарлик қилинмоқда. Натижада йиғилишлар паст савияда ўтаётир. Масалан, Тошкент шаҳар Ленин районидаги 1-нон заводи партия ташкилотида ҳисобот-сайлов йиғилиши «Партия органлари сайловини ўтказиш ҳақида»ги инструкцияга хилоф равишда ўтганлиги учун у бекор қилиниб, бошқатдан ўтказилган. Афсуски, бундай мисоллар яккаю-ягона эмас.

Ҳисобот-сайлов йиғилишларига олдиндан пухта тайёргарлик кўриш унинг юксак савияда ўтишини таъминлайди. Шунга кўра барча бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишларини яхши тайёргарлик билан, танқид ва ўз-ўзини танқид белгиси остида ўтказиш ва йиғилишларда коммунистларнинг актив иштирокини таъминлаш керак. Шаҳар ва район партия комитетлари ўтган сайловлар вақтида бўлганидек партия ташкилоти секретарлигига коммунистларнинг ҳоҳишилан ташқари тавсия этилган кишиларни сайлаш каби партия ички демократиясини қўпол равишда бузиш фактларига зинҳор йўл қўймасликлари лозим.

Хўжалик соҳасидаги муваффақиятларимиз кўп жиҳатдан омма орасида олиб бориладиган партиявий-сиёсий ва тарбиявий ишларнинг савиясига боғлиқ эканлиги маълум. Шундай экан, ҳисобот-сайлов йиғилишларида идеология масалаларига алоҳида эътибор берилиши, партия ташкилотларининг бу соҳадаги фаолияти уларнинг агитация-пропаганда ишини коммунистик қурилиш практикаси билан, ҳар бир корхона, колхоз, совхоз, РТС ва МТС олдида турган конкрет вазифаларни бажариш билан боғлаб олиб борилишига қараб чуқур муҳокама қилиниши шарт.

Шунга эришмоқ керакки, ҳисобот-сайлов йиғилишлари коммунистларнинг актив иштирокида ўтсин, қуйидан бўладиган танқид ҳар томонлама кучайтирилсин, шу билан бирга партия ташкилотлари фаолиятини яхшилашга каратилган ва конкрет тадбирлар белгиланган қарорлар қабул қилинишига эришилсин. Бу қарорларни бажариш учун ҳарҳол ишга киришиш, партиялилар ва партиясизлар кенг оммасини областимиз олдида турган муҳим хўжалик ҳамда сиёсий вазифаларни бажаришга тўла сафарбар этиш партия ташкилотларининг шу кечакундузда кечиктириб бўлмайдиган вазифасидир.

Ҳисобот-сайлов йиғилишларини ишчанлик билан юксак савияда, принципиал танқид ва ўз-ўзини танқид шиори остида ўтказайлик, оммани бутун куч ва ғайратини ҳозирги куннинг конкрет амалий вазифаларини муваффақиятли бажаришга сафарбар этайлик.

Суратда: «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида машина билан пахта териш пайти.
Қ. Розиқов фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

Гулистонда терим суръатини тезлаштириш учун ҳамма имконият бор

Ёнма-ён икки картанинг бирида пахта жуда яхши очилган, иккинчисида эса бундай эмас. Пахтаси ҳали очилмаган картада теримчилар ивирсиб юришибди. Бригада бошлиғи Ашур ака Пўлатов эса ўё одамларнинг иши устидан назорат қилиб турибди. Шу маҳал колхоз раиси Пардаев билан район ижроия комитетининг раиси Маҳмудхонов келиб қолди.

— Ашур ака, нимага одамларингизни 6- бригадага олиб ўтмадингиз, сўради раис.

— Биз ҳам планни бажаришимиз керакми-йўқми? — савол билан жавоб берди бригада бошлиғи.

— Пахтаси очилмаган ерни ҳадеб айланаберган билан план тўладими, одамларнинг вақтини бекорга ўтказмай, қўшни бригадага ёрдам бериб туринг, кейин улар ҳам сизга кўмаклашади, деган, эдик-ку. Вақт бекорга ўтмасин. Қаерда пахта яхши очилган бўлса, ўша ердан терриш керак. Ҳозир сеники, меники қилиб ўтирадиган вақтми?

Гулистон районидаги Карл Маркс номли колхозда эндиликда раис айтганидек тартиб ўрнатилди. Қаерда пахта очилган бўлса, ишчи кучлари шу ерга юборилмоқда. Натижада колхоз кунига 2 процент миқдорида пахта тайёрлаб, ҳамма колхозлардан олдинда бормоқда.

Ҳозирги долзарб кунларда меҳнатни тўғри ташкил этишда, барча ишчи кучларини теримга тўла сафарбар этишда, меҳнат унумини оширишда, айниқса, коммунистлар намуна кўрсатиб ишламоқдалар. Ашур акага ўхшаган кишиларга эҳтиёжимиз йиғиб олишни ўргатмоқдалар.

Колхозда 60 коммунист бор. 16 та далачилик бригадасидан 12 тасига коммунистлар раҳбарлик қилаётир. 10 коммунист табелчи. Улар колхозчиларнинг меҳнатини тўғри ҳисобга олиш билан бирга терилган пахтанинг сортларини текшириб қабул қилмоқдалар, меҳнатни тўғри ташкил қилишда бевосита қатнашмоқдалар.

Коммунист Ли Семён Васильевич бошлиқ бригада аъзолари 165 гектар пахта майдонига эга. Улар йиллик планни шу кунгача 85 процентдан ошириб бажардилар.

Майбет Ўрозов бошлиқ бригадада ҳам йиллик план 80 процент бажарилди. Шунингдек ўртоқ Ўрозов бригадасида ҳам пахта теримига четдан 35 киши жалб этилган. Шунинг учун бу бригадада кунига 2,5 процентдан ошириб пахта теридмоқда.

Колхозда умуман 980 киши бўлиб, шундан 900 киши кўнлик нормани ошириб ado этаётир. Тошбой Бердиёров, Абдурахмон Чориев, Менери Абдуламетова сингари мавсумда 15 тониадан пахта терриш мажбуриятини олган кўпгина теримчилар хирмонга 7-7,5 тониадан пахта топширдилар.

Колхозда пахта теримини қизитиб юбориш мақсадида олиб борилаётган оммавий-сиёсий ишлар, теримчиларни рағбатлантириш тадбирлари яхши натижа бераётир, теримчилар, пахта қуритувчилар, шоферлар ва аравакашларни мукофотлаш учун 100 минг сўм пул ажратилган, 3 та кўчма Қизил байроқ ташкил этилган. Колхознинг икки участкасидаги бригадалар ўртасида 2 та кўчма Қизил байроқ бор. Теримда голиб чиққан бригадаларга кўчма Қизил байроқ билан бирга 1000 сўм пул мукофоти, ёрдамчилар учун эса алоҳида кўчма Қизил байроқ бўлиб, бу байроқ билан бирга 500 сўм пул мукофоти берилади. Ҳозир ёрдамчилар ўртасидаги социалистик мусобақада ўртоқ Ким Василий директорлик қилаётган 8-мактаб ўқувчилари голиб чиқиб, кўчма Қизил байроқни олишга сазовор бўлдилар.

Колхозда меҳнатга ҳақ тўлаш ҳам яхши уюштирилган. Теримчиларга даланинг ўзида мунтазам равишда пул бериб турилади. Бу тадбирлар натижасида Карл Маркс номли колхоз ҳозир пахта теримида райондаги ҳамма колхоздан олдинда бормоқда.

Шу кунларда Гулистон районида пахта қийғос очилиб кетган. Лекин терим, суръати жуда паст. Ҳамма колхозда ҳам пахта терими Карл Маркс номли колхоздаги сингари уюшқоқлик билан олиб борилаётгани йўқ. Шунинг учун ҳам районда теримга қатнашиб келаётган колхозчиларнинг меҳнат унуми паст. Ўрта ҳисобда ҳар бир колхозчининг терган пахтаси 49 килограммданга тўғри келади.

Айни кунларда колхоз раҳбарлари «ёрдамчи керак» деб талаб қилмоқдалар. Аслида эса мавжуд имкониятлардан, пахта териш машиналаридан фойдаланишга етарли эътибор бермаётирлар. Крупская номли колхозда машина билан 58 тонна, «Красний Восток» колхозида 28 тонна пахта терилган, холос. Бошқа колхозларда эса ҳали бу ишга киришилгани йўқ.

Район колхозларида пахтани сортларга ажратиб теришга, ҳом пахтанинг терилишига қарши чора кўришга ҳам етарли эътибор берилмаябди. «Красний Восток» колхозининг ҳозиргача топширган пахтасидан 15 тоннаси, Карл Маркс номли колхоз топширган пахтанинг 18 тоннаси ифлос бўлгани учун чегириб ташланган. 20 октябргача 3 колхоз 108 минг сўм штраф тўлаган. Шунингдек райондаги «Красний заря», Фрунзе номли колхозларда ҳам ҳом пахта териш каби зарарли ҳаракатларга йўл қўйилган. Колхоз хўжалигига иқтисодий зарар етказадиган бундай аҳволнинг олдини олиш зарур. Гулистон районида пахта теримини тезлаштириш учун ҳозир ҳамма имконият бор. Бунинг учун жойларда ишни илғор колхозлар тажрибаси асосида уюштириш, барча ишчи кучларини теримга тўла сафарбар этиш, айниқса меҳнат унумини ошириш учун зарур тадбирларни кўриш лозим.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

Илғорликни қўлдан бермаслик учун

Ильич номли колхоз Бўка районида йиғим-теримнинг дастлабки кунлариданоқ биринчи ўринни эгаллади. Бу колхоз ҳозир ҳам биринчи ўринда бормоқда. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти барча кучни йиғим-теримга тўла сафарбар этиб, қўлга киритилган муваффақиятни мустаҳкамлаш, илғорликни сақлаб қолиш учун курашмоқда. Колхозда ҳар куни 2,5-2,8 процентдан ва ҳатто бундан ҳам кўпроқ пахта тайёрланаётир.

Биз яқинда шу колхозда бўлдик. Далада, хирмонда, пахта ташишда иш пухта ташкил этилган. Ҳар бир киши ўзига топширилган ишни белгиланган вақтда, сифатли бажаради. Бригадир ва звено бошлиғи, теримчи ва пахта қуритувчи, шофер ва аравакаш бир минут вақтнинг ҳам бекорга ўтишига йўл қўймайди. Кузги совуқ бошланган ҳозирги кунларда ишни жалаллаштириш, етиштирилган ҳосилни тез ва сира нобуд қилмай йиғиб-териб олиш муҳим вазифа эканлигини катталарнинг ҳаммаси яхши билади.

Колхоз раиси Ўраз Жарқинбоев билан далада — теримчилар ёнида учрашдик. У колхозчиларнинг ишини қузатиб юрарди. Биз раис билан суҳбатлашдик, у бундай деди:

— Эрта баҳорда бўлиб ўтган умумий мажлисда колхозни қолоқликдан чиқариш қишлоқдаги ҳар бир кишининг бурчи, деб айтдик. Буни ёшлар ҳам, кексалар ҳам — ҳамма тўғри тушунди ва 1958 йилда 640 гектар ернинг ҳар гектаридан 25 центнердан ҳосил топшириш учун бирдамлик билан курашамиз, деб айтишди. Колхозчилар шу кунларда ўз сўзларини амалда шараф билан бажармоқдалар. Далада ишлаётганларнинг ҳаммаси пахта териш нормасини ошириб бажаради. Колхозда теримчининг бир кунлик иш унуми 65-70 килограммлаб тўғри келаётир. Ўсар Йўлдошев, Узил Ўрозбоева, Синам Анорбоева, Ултуй Мирзабоева, Яхши Баратовалар кунига ўртача 150-160 ҳатто 180-200 килограммдан пахта термоқдалар.

Йиллик планни муддатидан илгари ошириб бажариш, ҳосилни тез ва сира нобуд қилмай йиғиб-териб олиш юзасидан бригадалар ўртасида бошланган мусобақада 5-бригада олдинда кетаётир. Бригада бошлиғи Юсуф Ҳайитов уста пахтакор ҳисобланади. У ҳар бир колхозчининг унумли ишлашига эришиш мақсадида заҳар бўлган шароитларни яратиб бериш учун ҳаракат қилади. Шунинг учун бригадада кунига йиллик планнинг 4-4,5 процентидан миқдорида пахта тайёрланаётир. Ҳолиқбегди Эгамбердиев бошлиқ бригада аъзолари ҳам йиллик планни якин кунларда бажариш, байрамгача социалистик мажбуриятни адо этиш учун курашмоқдалар.

Ильич номли колхозда ким билан ганлашсангиз бу йил илғорлар қаторига albatta етиб оламиз, хўжалигимизни бойитиш, она-Ватанга кўпроқ пахта етказиб бериш учун курашамиз, дейди. Улар ўз мақсадларига эришадилар!

Ж. СУЛТОНОВ.

Тошкент Совнархози 10 ойлик планни бажарди

Тошкент Совнархозига қарашли саноат корхоналарининг коллективлари Улуғ Октябрнинг 41 йиллиги ва КПСС XXI съезди шарафига социалистик мусобақани кенг қизитиб, 10 ойлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш топшириғини муддатидан илгари — 26 октябрда бажардилар.

Маҳсулотнинг энг муҳим турлари, жумладан кўмир, прокат, пўлат, минерал ўғитлар, электр қуввати, трактор, сеялка, культиватор, пойафзал, озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича ҳам 10 ойлик план бажарилди. Ўтган йилнинг худди шу давридагига нисбатан 400 миллион сўмлик кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. Меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича берилган топшириқ ҳам ортиғи билан бажарилди. Маҳсулот таннархини камайтириш йўли билан пландан ташқари 45 миллион сўмлик жамғарма берилди.

Совнархоз корхоналарида бир қатор янги маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилди. Ишлаб чиқариш процесларини механизациялаш ва автоматлаштириш, прогрессив технологияни жорий қилиш соҳасида анча ишлар қилинмоқда. Совнархоз корхоналарининг коллективлари октябрь ойининг охиригача пландан ташқари 120 миллион сўмлик турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқаришга аҳд қилдилар.

Янги ердан мўл ҳосил олинди

Пискент районидаги Гельман номли колхоз пахтакорлари трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи ўртоқ Эшбой Тожимуродовнинг номини ҳурмат билан тилга оладилар. Тожимуродов эрта кўкламдаёқ янги очилган ерда мўл ҳосил етиштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Бригада аъзоларининг ғайрат билан ишлашлари натижасида бу мақсад тўла амалга ошди. 25 гектар янги ерда мўлжалдаги ҳосил етиштирилди.

Тюпкочи ўртоқ Тожимуродов шу кунга қадар барча майдонлардаги пахталарини ўз машинаси билан сифатли равишда бир марта териб олди. Бригада ҳаммаси бўлиб 13 иш кунида район бўйича биринчи бўлиб, пахта тайёрлаш давлат планини ортиғи билан бажарди.

— Ҳали даламизда ҳосил мўл,— дейди ўртоқ Тожимуродов. — Биз давлатга яна камида 50 тонна пахта топширамиз.

Моҳир механизаторнинг иши билан сўзи бир. У, albatta ўз аҳдининг удасидан чиқади.

М. САМАДОВ.

Бунақа ёрдам кимга керак?

Биз Мирзачўл районидаги «Коммунизм» колхозининг ўртоқ Жўра Эргашев бошлиқ бригада хирмонига кечки соат 5 ларда келдик. Бир группа ёшлар терган пахталарини топширяётган эдилар. Баланд бўйли, азамат бир йигит терган пахтасини тарозига қўйди.

— 7 килограмм, — деди тарозибон Каримжон Отабоев.

Бу маҳал иккинчи бир йигит тарозига пахтасини қўяркан:

— Қани тортинг-чи, — деди.

— 8 килограмм...

Ҳаш-паш дегунча 17 киши кун бўйи терган пахтасини тортириб бўлди. Шундан кейин «азамат» теримчилар машинага ўтирдилар. Табелчи йигит Отабоев билан бригада табелчиси чўт қоқишга киришдилар. Чўт қайта-қайта шарақлади. Лекин барибир унинг доналари 338 килограммдан ортиқ рақамни кўрсатмади.

— Демак, — деди табелчи, — ўрта ҳисобда ҳар бир киши кун бўйи 20 килограммдан пахта терибди.

Бригада бошлиғи Жўра Эргашевнинг жаҳли чиқди.

— Сизлар колхозга нима учун келгансизлар?

— Ёрдамга, — деди бир йигит.

— Ёрдам шунақа бўладими? Сизлар ёрдамга эмас, ўйнагани келяпсизлар. Бизда Тошкент шаҳридан келган ёрдамчилар ҳозир ўрта ҳисобда 45 — 50 килограммдан пахта теришаяпти. Колхозчиларимизнинг ҳар бири 70 килограммдан ошириб пахта тераяпти. Сизлар...

Машина кўчани чангитганча Мирзачўл шаҳрига қараб жўнаб кетди. Тошкентдан келган ёрдамчилардан бир киши гапира бошлади.

— Ростини айтсам улар пахта термайди, эртадан кечгача бедапояда ўйнашгани-ўйнашган...

Шундақаси ҳам бўлади

М. Воробейчков чизган расм.

Мирзачўл шаҳридаги механика-ремонт заводидан келган кишилар колхозга шу хилда «ёрдам» беришаяпти. Лекин заводнинг бош инженери Мергулиз, партия ташкилотининг секретари Гузиевлар биз пахта теримида колхозга ёрдам бераяпмиз, деб кўкрак кериб чираниб юрибдилар. Аммо завод раҳбарлари колхозга юборилган ишчиларнинг бекорга умр ўтказаётганларидан хабар олмайдилар. Шу туфайли колхозга келганлар хоҳласа ишлаб, хоҳламаса бедапояда дўмболоқ ошиб юришибди. Бунақа ёрдам кимга керак?!

В. ШОДМОНОВ.
«Колхоз меҳнати» газетасининг редактори.

Область районларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1958 йил 27 октябргача бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Мавсум бошидан бери	Бир кунлик ўсиш	Районлар	Мавсум бошидан бери	Бир кунлик ўсиш
Бўстонлиқ	55,35	2,25	Ўртасарой	44,39	1,75
Боёвут	54,65	1,90	Юқори Чирчиқ	43,91	1,75
Бекобод	52,02	1,70	Ўрта Чирчиқ	43,65	1,60
Қуйи Чирчиқ	51,60	1,81	Чиноз	43,49	1,31
Бўка	51,54	2,01	Сирдарё	42,71	2,06
Пискент	50,98	1,95	Октябрь	41,51	1,80
Верхне-волинск	49,00	1,96	Оржоникидзе	39,52	0,89
Оққўрғон	48,79	1,95	Янгийўл	37,57	1,17
Гулистон	46,75	1,77	Оҳангарон	25,60	1,14
Мирзачўл	46,08	1,89	Калинин	20,51	0,64

Область совхозларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1958 йил 27 октябргача бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Совхозлар	Мавсум бошидан бери	Бир кунлик ўсиш	Совхозлар	Мавсум бошидан бери	Бир кунлик ўсиш
6-«Кўкорол	91,70	3,15	«Гулистон»	48,22	1,79
«Социализм»	62,63	1,98	Киров номли	47,76	1,83
«Мирзачўл»	60,28	2,23	«Чанқ»	47,52	1,45
1-«Далварзин»	55,77	1,73	4-«Боёвут»	47,23	1,72
«Фарҳод»	55,50	1,47	«ЎзССР беш		
«Пискент»	55,13	1,66	йиллиги»	43,42	1,52
2-«Далварзин»	52,49	1,50	«Малик»	34,90	1,82
1-«Боёвут»	52,02	1,87	Бушуев номли	32,00	1,53
3-«Боёвут»	49,97	1,95	Тошкент наслчи-		
«Оққўрғон»	49,21	2,27	лик совхози	31,18	1,57
«Дружба»	49,11	1,44	1-«Оҳангарон»	27,67	1,00
			2-«Оҳангарон»	21,53	0,94

Москва ёшларининг ВЛКСМ 40 йиллигига бағишланган митинги

26 октябрда Москванинг неча минглаб йигит ва қизлари шаҳар кўчаларига чиқдилар. Колонналар устида шиорлар ва иттифоқчи республикаларнинг байроқлари хилпиллаб турар эди. Ёш ватанпарварлар ёшларнинг Ленин комсомоли 40 йиллиги шарафига меҳнат соҳасида эришган ғалабалари ҳақида жуда катта шчитларга ёзилган рақамларни кўтариб олганлар. Сафлар устида В. И. Ленин, К. Маркс ва Ф. Энгельснинг портретлари, партия ва ҳукумат раҳбарларининг портретлари баланд кўтарилган. Ҳар бир колоннанинг олдида район комсомол ташкилотининг байроғини кўрамиз.

Спасск башнясидаги соатнинг олтиндек ярқираб турган стрелкалари 12 га яқинлашди. Кремль қуранти лари жаранглаб занг уради. Шу пайтда Қизил майдондаги ёшлар колоннолари устида гулдурос қарсак садолари янгради.

К. Е. Ворошилов, А. И. Кириченко, Н. С. Хрушчев, Д. С. Коротченко ўртоқлар Мавзолей минбарига чиқдилар. Қизлар гулдурос қарсаклар остида партия ва ҳукумат раҳбарларига гулдасталар тақдим этадилар.

Мавзолейнинг марказий минбарида КПСС Москва шаҳар комитетининг секретарлари В. И. Устинов, С. Д. Орлов ва Е. К. Рагозин, ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретарлари В. Е. Семичастний, С. П. Павлов, А. Н. Аксенов, Л. К. Балясная, Э. К. Беман, Н. Ш. Васадзе, Н. Н. Месяцев ва С. К. Романовский, ВЛКСМ Москва шаҳар комитети бюросининг аъзолари ҳам бор эди. Қизил майдоннинг гранитдан ясалган минбарларида меҳмонлар ўтирибдилар. Улар орасида комсомолни ташкил этишда актив қатнашиб, социалистик қурилишнинг турли босқичларида унинг шуҳратини оширган биринчи комсомоллар ҳам кўп эди.

ВЛКСМ Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари А. А. Сосин кириш нутқи сўзлайди. Биз, деди у, шонли воқеа — комсомолнинг 40 йиллиги арафасида бу ерга тўпландик.

Ўртоқ Сосин айтадики, Совет Иттифоқидаги барча қизлар ва йигитлар каби пойтахтнинг комсомоллари ва ёшлари ҳам шу кунларда Ленин комсомолининг шонли йиллиги шарафига, КПСС XXI съезди шарафига қилган меҳнатларининг якунларини тўпламоқдалар. Улар меҳнат вахтасида ишлаб, пландан ташқари кўп миқдорда станок, автомобиллар, минг-минг метр газламалар тайёрладилар. Ўртоқ Сосин сўзининг охирида бундай дейди: Биз бундан буён ҳам ўзимизнинг бутун кучимиз, билимимиз, ақл-идрокимизни ёшларнинг энг яхши дўсти ва доно устози жонажон Коммунистик партиясига бағишлаймиз, деб ваъда берамиз.

Москва ёшларининг Ленин комсомоли 40 йиллигига бағишланган митинги очиқ, деб эълон қилинади.

Районлар ёшларининг вакиллари тантанали сукут ичида В. И. Ленин ва И. В. Сталин Мавзолейига келадилар. Улар гул ва гулчамбарлар қўядилар.

«Красний пролетарий» заводининг ёш ишчиси рандаловчи Николай Чернов сўз олади. Мен, деди у, бу ерда, тилларда достон бўлиб қолган Қизил майдонда, комсомолнинг шонли ёшилейи арафасида ёшларга доим оталарча эътибор бераётганликлари учун жонажон Коммунистик партиямга, Совет ҳукуматига Москва ишчи ёшлари номидан самимий ташаккур изҳор қилиш имкониятига эга бўлишим билан фахрланаман.

Москвадаги Бауман номли олий техника ўқув юртининг студенти Марина Пашенцева микрофон ёнига келади. У айтадики, Москва студентлари буюк, озод социалистик мамлакатда ёшлар учун бахтли ҳаётни, коммунизм қуриш йўлида халқ учун меҳнат ва ўқиш шодлигини курашиб қўлга киритган кекса * ўртоқларга — коммунистларга самимий муҳаббат ва миннатдорчилик сўзлари билан мурожаат қиладилар.

Гвардиячи Кантемировка дивизиясининг старший сержанти Александр Максаковга сўз берилади. Бизнинг армиямиз ёш жангчиларни тарбиялашнинг ажойиб мактабидир.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари В. Е. Семичастний ВЛКСМ Марказий Комитети номидан, Москва шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. И. Устинов КПСС Москва шаҳар комитети номидан Москва комсомоллари, ёшларини Ленин комсомолининг яқинлашиб қолган 40 йиллиги байрами билан табриклидилар ва қутладилар.

ВЛКСМ Москва шаҳар комитетининг секретари В. Ф. Стукалин митинг қатнашчиларининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига мурожаатини ўқиб беради.

Биз, Москва комсомоллари ва ёшлари, дейилади мурожаатда, бутун тарихий Қизил майдонда, Ленин комсомолининг 40 йиллигига бағишланган митингга тўпланиб, тантанали ваъда бериб, қасамёд қилиб айтамизки, коммунизм ишига бундан буён ҳам содиқ бўлиб қоламиз. Коммунистик партиянинг ва унинг ленинчи Марказий Комитетининг содиқ ўғил ва қизлари бўлиб қоламиз. Қаҳрамон ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, меҳнат интеллигенцияси, Совет Армияси жангчилари олдида, бутун совет халқи олдида қасамёд қиламизки, биз бутун ёшлик кучимизни, орзу ва тилакларимизни, ақл-идрокимизни, бутун ҳаётимизни партия ишига, коммунизм қуриш йўлидаги курашга бағишлаймиз.

Мурожаатнинг охирида бундай дейилади: Биз, ота ва оналаримизнинг қонига беланган, унутилмас Октябрь кунларида, гражданлар урушида йилларида, тинч беш йилликлар даврида, Ватан уруши фронтларида сўнмас шуҳрат билан қопланган революцион кураш байроғини муқаддас билиб сақлаймиз, деб қасамёд қиламиз. Биз бу байроқни порлоқ истиқбол сари — коммунизм сари шараф билан кўтариб борамиз, деб қасамёд қиламиз! Жонажон Коммунистик партиямиз! Жонажон Коммунистик партиямга қизғин муҳаббатимиз, бу партия улуғ ишининг ғалабасига чексиз ишончимиз ана шу қасамимизни ҳеч кимнинг ва ҳеч қачон бузолмаслигига гаров бўлсин.

Минг-минглаб йигит ва қизлар баланд руҳ билан шу сўзларни такрорлайдилар: «Қасамёд қиламиз!», «Қасамёд қиламиз!», «Қасамёд қиламиз!».

Шу ерда ҳозир бўлган кишилар ғоят баланд руҳ билан партия гимни «Интернационал»ни айтадилар. «Ура!», «Жонажон Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шоншарафлар бўлсин!», «Яшасин севикли Ватанимиз!», «Яшасин Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи!» садолари бутун майдонни қоплайди.

(ТАСС).

Партиянинг жанговар ёрдамчиси Ленин Комсомолига шон-шарафлар!

Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитети, Тошкент область ва шаҳар комитетларининг тантанали пленуми

Кеча Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитети, Тошкент область ва шаҳар комсомол комитетларининг ВЛКСМ 40 йиллигига бағишланган тантанали пленуми бўлди.

Навоий номли ўзбек давлат опера ва балет театрининг саҳнаси байрам либосини кийган. Шу ерда ҳозир бўлган кишиларнинг бутун эътибори Коммунистик партия ва Совет давлатининг улуғ асосчиси, совет ёшларининг севикли устози ва дўсти Владимир Ильич Ленининг прожекторлар билан ёритилган скульптура портретига қаратилган. Комсомол значоги ва Ленин комсомолининг коммунистик қурилиш соҳасида қилган хизматларини тақдирлаш юзасидан Ватанимиз томонидан берилган беш орден олтиндек ярқираб турибди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Президиуми ғоят баланд руҳ билан фахрий президиумга сайланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари С. К. Камолов, республика Министрлар Советининг раиси М. З. Мирзаахмедов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретарлари Р. Е. Мельников, З. Р. Раҳимбобоева, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари С. Нуриддинов, республика Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари А. Н. Рудин, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ф. Хўжаев, уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳ. Турсунқулов, Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони армия генерали И. И. Федюнинский, революцион ҳаракат ветеранлари кекса комсомоллар президиум столи ёнида ўз ўринларини эгадилар.

Президиумда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари М. Иброҳимов, республика ЛКСМ Марказий Комитетининг секретарлари В. Ф. Антонов, В. Мирахмедова, С. Назаров, А. Акромов, область комсомол комитетларининг секретарлари, республиканинг донгдор комсомоллари—саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш новаторлари президиумда ўтирибдилар.

Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР давлат гимнларининг садолари янграйди.

ВЛКСМнинг 40 йиллиги тўғрисида доклад қилиш учун Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари **М. Иброҳимовга** сўз берилади.

Комсомол, деди докладчи, ташкил топган кундан буён ўтган 40 йил ичида, халқнинг буюк муҳаббати ва ҳурматига сазовор бўлди. Советлар ҳокимияти учун олиб борилган қизғин жангларда, беш йилликлар қурилишларида килинган қаҳрамонона меҳнатда, коммунизм қурувчи миллионларча ёшларнинг кундалик ишларида ана шу муҳаббат ва ҳурматга сазовор бўлинди. Комсомол шонли тарихининг ҳамма босқичларида партиянинг жанговар, ишончли ёрдамчиси бўлиб ҳаракат қилди ва ҳаракат қилмоқда.

Докладчи Ленин комсомоли тарихининг айрим босқичлари тўғрисида батафсил гапиради. Миллионларча ёшларнинг гражданлар урушидаги, сўнгра эса, социалистик қурилишдаги актив иштироки уларни ўз олдиларига қўйилган мақсадларга эришишда мард ва жасур бўлишга, қийинчиликларни сабот ва қатъият билан енгишга ўргатди. Ёшларимизнинг ана шу маънавий хислатлари, уларнинг партия идеаларига чексиз садоқати улуғ Ватан уруши йилларида халқимизнинг бошига тушган оғир синов даврида айниқса яққол кўринди.

Докладчи яна айтадики, уруш тамом бўлганидан кейин Коммунистик партия бошчилигидаги Советлар мамлакатининг ёш авлоди бутун халқ билан биргаликда ижодий ишга киришди.

КПССнинг XX съезди мамлакатимизнинг ҳаётида, жаҳон коммунистик ва ишчи ҳаракатида жуда катта воқеа бўлди. Съезд комсомолга давлат ва хўжалик қурилишида актив қатнашиш йўлини кўрсатиб, ВЛКСМнинг бутун фаолиятига жуда катта таъсир кўрсатди.

ВЛКСМнинг шу йил апрель ойида бўлиб ўтган XIII съезди, деб таъкидлайди докладчи, партия XX съезднинг қарорларига ва КПСС Марказий Комитетининг кўрсатмаларига амал қилиб, комсомол ва ёшларнинг эътиборини халқ хўжалиги қурилишининг биринчи галдаги зарбдор участкаларига жалб этди, йигит ва қизларни меҳнат унумдорлигини ошириш учун, янги техникани жорий қилиш ва ўзлаштириш ҳамда ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш учун янада актив кураш олиб боришга даъват этди.

М. Иброҳимов ўз докладида Ўзбекистон комсомолининг совет пахтачилигини янада юксалтириш ва бу йилги ҳосилни тезроқ йиғиштириб олишга тўхталиб ўтди.

М. Иброҳимов докладини тамомлаб бундай деди:

— Комсомол ташкил топган пайтдан буён ўтган қирқ йил ичида Коммунистик партия раҳбарлигида шонли қаҳрамонлик йўлини босиб ўтди. Комсомоллар, совет ёшлари социалистик қурилишнинг ҳамма босқичларида янги дунё барпо қилувчиларнинг биринчи сафларида бордилар. Улар ўзларининг бутун куч, билим ва ғайратларини Ватанимизнинг қудратини мустаҳкамлашга сарф қилиб келмоқдалар. Комсомол жонажон партиямга содиқ бўлиш — ленинча яшаш, ишлаш ва курашиш ҳақидаги муқаддас қасамёдини шараф билан бажариб келди ва бажармоқда.

Совет халқи партиянинг навбатдан ташқари XXI съездини муносиб кутиб олишга тайёрланаётган ҳозирги кунларда комсомол ўз сафларини барча галабаларимизнинг ташкилотчиси ва илҳомчиси КПСС теварагига, коммунистик партиянинг жанговар, синалган штаби теварагига, унинг Ленинчи Марказий Комитети теварагига янада маҳкам жипслаштирмоқда, марксизм-ленинизм байроғини баланд кўтариб бормоқда.

Ўртоқлар, сизнинг номингиздан, олти юз минглик комсомоллар номидан, республикамизнинг барча ёшлари номидан Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетини ишонтириб айтаманки, биз жонажон Коммунистик партиянинг ёш авлод тўғрисидаги гамхўрлигига жавобан бутун куч ва билимимизни коммунизм қурилишига сарф қиламиз.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **С. Н. Камолов** тантанали пленум қатнашчиларига мурожаат қилиб гапиради. Ўртоқ Камолов Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг республика комсомолига юборган табригини ўқиб берганида ҳамма уни давомли қарсаклар билан кутиб олади. Совет халқи барча галабаларининг ижодчиси ва ташкилотчиси, комсомолнинг жанговар раҳбари Коммунистик партия шарафига қарсаклар бир неча минут давом этади.

Оркестр марш ижро этади. Тантанали пленум қатнашчилари республиканинг юз мингларча ёш ленинчилари номидан комсомолни қизғин табриклаш учун театр залига кириб келган пионерлар делегациясини ўринларидан туриб кутиб оладилар.

Ўзбекистоннинг энг кекса комсомолларидан бири, Тошкентдаги Октябрь революцияси номли паровоз-вагон ремонт заводининг мастери **К. Ф. Тарасов** минбарга чиқади. У темир йўл комсомол ташкилотининг ишлари тўғрисида ўз хотирасини сўзлайди.

Совет пахтачилигининг донгдор устаси, уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Ҳамроқул Турсунқулов** комсомолларни шонли юбилей билан қизғин табриклайди.

Шоир **Ғафур Ғулом** ҳаяжонли нутқ сўзлайди. У, 1919 йилда комсомол сафига кирган ва Ўзбекистон пойтахти комсомол ташкилотининг раҳбарларидан бири бўлган.

Совет Армияси жангчилари делегацияси залга кириб келганида, гуллурос қарсаклар бошланади.

Комсомол жангчилар вакили капитан **И. И. Рухлин** минбарга чиқиб айтадики, Туркистон ҳарбий округининг комсомол ташкилотлари ВЛКСМнинг шонли 40 йиллигини Коммунистик партия ва унинг Ленинчи Марказий Комитети теварагига маҳкам жипслашган ҳолда кутиб олдилар.

Раислик қилувчи тантанали пленум президиуми номига Москва ва иттифоқчи республикаларнинг комсомоллари ҳамда ёшларидан, шунингдек, Ўзбекистоннинг биринчи комсомолларидан табрик телеграммалари олинганлигини айтади. Бу ҳабар давомли қарсаклар билан кутиб олинади.

Тантанали пленум қатнашчилари номидан, Ўзбекистоннинг барча комсомоллари номидан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига табрикнома юбориш тўғрисида таклиф тушади. Матуб тексти узоқ давом этган гуллурос қарсаклар остида қабул қилинади. Пленум қатнашчилари ўринларидан туриб, жонажон Коммунистик партияга ва унинг Ленинчи Марказий Комитетига қизғин муҳаббат туйғуларини изҳор қиладилар.

Тантанали пленум ёпиқ деб эълон қилинади. Залдагилар партия гимни «Интернационал»ни айтадилар.

(ЎзТАГ).

Қирғиз санъати ва адабиёти декадасининг якунловчи концерти

Пойтахт 25 октябрь куни Большой театр филиали саҳнасида намойиш қилинган якунловчи концертда қирғиз санъати декадаси кунларида ўз қалбини мафтун этган санъаткорларни — ашулачилар ва ўйинчиларни, бадиий ҳаваскорлик қатнашчиларини, халқ музикачиларини яна бир марта кўрди.

...Парда очилади. Саҳна ичкарисида олтин бошоқлар ва оппоқ пахта чаноқлари билан ўралган Қирғизистон ССР герби порлаб турибди. Тантанали муқаддима қуйлари жаранглаб ёйилади. Опера театри, филармония артистлари, музика мактаби ўқувчилари, бадиий ҳаваскорлик қатнашчиларининг терма хори В. Власов, А. Молдибоев ва В. Ференнинг «Москвага салом» деган кантатасини куйлайди. Концерт ана шундай бошланади.

Қирғизистон ССР нинг халқ артистлари К. Чодронов билан С. Киизбоева, опера театрининг салисти С. Тоқтоналиев жонажон ўлка ғўзаллигини ва жозибадорлигини мароқланиб куйлайдилар.

Қирғиз балетини севиб қолган москваликлар бу кечада ҳам Чайковскийнинг «Оққуш» операсидаги адажиоларни ижро этган Р. Чокоева билан Б. Сусловни, М. Раухвергернинг «Чўлпон» асаридаги па-де-де рақсини ижро этган Қирғизистонининг энг яхши раққосаларини—республика халқ артисти Б. Бейшеналиева билан У. Сарбагишевни, Қирғизистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ч. Жамонова билан балет артистлари ансамблини самимий кутиб олдилар.

Концерт программаси ўзгаради. Тамошабинлар нигоҳи кенг яйловга тушади. Бу ерда опера театри солистлари ва хори ижросида қизлар қўшиғи жаранглаб парвоз қилади, йилқичилар қўшиғи кенг ялангларда шамолдай учади.

...Текис ғўза қаторлари уфққа, узоқдаги тоғ чўққилари тагига кириб кетгандай туйилади. Тўсатдан чаноқлари оппоқ бўлиб очилиб турган яшил ғўза туплари саҳнада жонланиб кетади ва саҳнанинг олдига келади. Булар декаданинг энг кичкинтой қатнашчилари — болалар ҳаваскорлигининг рақс группасидир. Қўйлаклари кўзни қамаштирадиган қизлар нафис ҳаракат қилиб, пахта теришяпти. Тамошабин озод ердаги меҳнат гаштини, илҳомини ҳис қилади.

Концерт программасида катта ўрин эгаллаган халқ музикасининг бойлиги ва ранг-баранглиги ҳаммани қувонтирди.

Концертни хотималовчи қўшиқ: «Жонажон партияни шараф лаймиз, тинч халқимизни шарафлаймиз» деган қўшиқ қудратли жаранглаб ёйилади. Бу қўшиқни декаданинг ҳамма қатнашчилари куйлайди.

Концертда А. Б. Аристов, Н. И. Беляев, Л. И. Брежнев, К. Е. Ворошилов, Н. Г. Игнатов, А. И. Кириченко, Ф. Р. Козлов, А. И. Микоян, Н. А. Мухитдинов, М. А. Суслов, Е. А. Фурцева, Н. С. Хрушчев, Н. М. Шверник, П. Н. Поспелов, Д. С. Коротченко, А. Н. Косигин, Москвага келган Польша Халқ Республикаси делегациясининг раиси, Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. Гомулка, Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Польша Халқ Республикаси Давлат кенгашининг раиси А. Заваде́ский, Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Польша Халқ Республикаси Министрлар Советининг раиси Ю. Циранкевич ва делегациянинг бошқа аъзолари ҳозир бўлдилар.

Залда Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Р. Раззоқов, Қирғизистон ССР Министрлар Советининг раиси К. Дийқомбоев, Қирғизистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Т. Қулатов, Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. Қозоқбоев, СССР Маданият министри Н. А. Михайлов, Қирғизистон Маданият министри Қ. Кўнучалова бор эдилар.

Тамошабинлар концерт қатнашчиларини, уларнинг бутун дунё эътироф қилган кўпмиллатли совет адабиёти ҳазинасига қўшиладиган ёркин, ранг-баранг ва ҳаётбахш санъатларини узоқ олқишлайдилар.

(ТАСС).

МОСКВА ИППОДРОМИДА ҚИРҒИЗ ОТ СПОРТИ МУСОБАҚАЛАРИ

Қирғиз санъати ва адабиётининг Москвада бўлиб ўтган декадасига атаб, 26 октябрда Москва Марказий ипподромида от спорти ва халқ ўйинларининг қирғиз миллий турлари кўрсатилди.

Бу ерда Қирғизистон йигитлари ҳам, ўз эпчилликлари жиҳатидан эркаклардан қолишмайдиган хотин-қизлар ҳам, кекса овчилар ҳам от спортидаги ўз маҳоратларини намойиш қилдилар. Мусобақалар программаси жуда хилма-хил бўлди. Мусобақада қатнашувчи ҳамма отларнинг чиройлик парадидан кейин «қиз қувмай» деган қувноқ мусобақа ўтказилди.

Ўргатилган бургут ва лочинлар ёрдами билан йиртқич ҳайвонларга ва қушларга ов қилиш усулларини, белбоғ курашини, йўрға отлар пойгасини, от устида арқон тортиш ва қирғиз миллий спортининг бошқа турларини тамошабинлар зўр қизиқиш билан тамоша қилдилар.

Ипподромда А. Б. Аристов, Л. И. Брежнев, К. Е. Ворошилов, А. И. Кириченко, Ф. Р. Козлов, Н. А. Мухитдинов, Н. С. Хрушчев, Д. С. Коротченко, шунингдек, Қирғизистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Раззоқов, Қирғизистон ССР Министрлар Советининг раиси К. Дийқомбоев, Қирғизистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Т. Қулатов, Қирғизистон КП Марказий Комитетининг секретари А. Қозоқбоев, Қирғизистон ССР Маданият министри К. Кондучалова ҳозир бўлдилар.

Мусобақалардан кейин партия ва Совет ҳукумати раҳбарлари ипподромда қурилган қирғиз ўтовларини бориб кўрдилар. Ўтовларда улар Декада қатнашчиси бўлган санъат арбоблари билан ва Қирғизистон ССРдаги ҳамма областларнинг колхозларидан келган вакиллар билан учрашдилар.

* * *

Шу куннинг ўзида СССР Маданият министри Н. А. Михайлов Қирғиз санъати ва адабиётининг Москвадаги декадаси қатнашчилари учун қабул маросими ўтказди.

(ТАСС).

ВЛКСМнинг 40 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Ўзбекистон комсомоли— ВЛКСМнинг жанговар отряди

А. АКРОМОВ,
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари.

Эртага комсомолнинг ташкил этилган кунига 40 йил тўлади. 40 йил ичида комсомол ажойиб шонли йўлни босиб ўтди. Комсомол ўзининг қувончли, бахтли ҳаёти учун, юксалиш йўли ва қўлга киритган муваффақиятлари учун Коммунистик партиядан миннатдордир. Владимир Ильич Ленин комсомолнинг совет давлати системасидаги ўрни ва ролини кўрсатиб, комсомол ва барча совет ёшларидан ўз билимларини бойитиб боришни, фанни чуқур эгаллашни, илм ва ўқишни коммунистик жамият қурилиши практикаси билан боғлаб олиб боришни талаб этди. Комсомол ўзининг вужудга келган кунидан бошлаб В. И. Ленининг бу буюк кўрсатмаларига амал қилиб келди ва келмоқда.

Россиядаги Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси инсоният тарихида янги давр — капитализмнинг емирилиш, социализм билан коммунизмнинг барпо бўлиш даврини очди. Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабасидан кейин мамлакатда ёшлар ҳаракати янада кучайди. Шу муносабат билан 1918 йилнинг август ойида РКП(б) Марказий Комитетининг қарорига мувофиқ биринчи Бутунроссия ишчи-деҳқон ёшлари съездини чақириш учун ташкилий бюро тузилди. Зўр тайёргарлик ишлари олиб борилиши натижасида 1918 йил 29 октябрда Москвада ишчи ва деҳқон ёшлари союзларининг биринчи Бутунроссия съезди очилди.

Биринчи РКСМ съезднинг аҳамияти шундан иборат бўлдики, у мамлакатимизда ёшлар ҳаракатини сиёсий ва ташкилий жиҳатдан расмийлаштириб, ёшлар ташкилотини ягона Коммунистик Ёшлар Союзига бирлаштирди.

Туркистонда Октябрь революциясининг ғалабаси ўлкада мустақил комсомол ташкилотларини тузиш учун шароит яратди. Туркистон комсомоли жуда оғир шароитда вужудга келди. Туркистон ташкилотлари РКСМ тажрибалари асосида тузилди. 1920 йилнинг 21 январида Луначарский номли уйда Туркистон комсомолининг биринчи съезди очилди. Бу съезд Туркистон Коммунистик Ёшлар Союзини ташкилий жиҳатдан расмийлаштирди ва ўлка комсомолининг раҳбар органларини тузди.

1925 йилнинг апрель ойида Самарқандда Ўзбекистон комсомолининг биринчи съезди бўлиб ўтди. Бу съезд Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи ташкил этилганлигини эълон қилди. ВЛКСМнинг ажралмас қисми бўлган Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи партия раҳбарлиги остида бир канча ишларни амалга оширди. Комсомол гражданлар уруши даврида ва халқ хўжалигини тиклаш даврида, социалистик индустриалаш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаш даврида муносиб ишлар қилди. Ўша йилларда комсомол ўзининг синалган аъзоларини қишлоқларга юборди. 1931 йилда колхоз ҳисобчиси вазифасида 9627 комсомол, колхоз правлениеларида раҳбарлик ишларида 4781 комсомол аъзоси ишлади. Комсомоллардан 2600 киши бригада бошлиқлари қилиб тайёрланди, салкам 2000 комсомол доимий ишлаш учун совхозларга юборилди.

Ўзбекистон комсомоли қурилиш ишларида ҳам актив иштирок этди. Жумладан: Лағон канали қурилишида 3000 комсомол, Катта Фарғона канали трассасида 73.000 комсомол мардонавор меҳнат қилди. Социалистик мусобақани авж олдиргани ва қаҳрамонлик қилганликлари учун 433 комсомол Совет Иттифоқи орден ва медаллари билан мукофотланди.

Улуғ Ватан уруши йилларида мамлакатимизнинг барча ёшлари каби Ўзбекистон комсомоли ҳам Ватанимизнинг шон-шуҳрати ва мустақиллиги учун қаҳрамонона курашди. Шунингдек, меҳнат фронтида ҳам комсомол буюк ишлар, қилди. Жумладан: Фарҳод ГЭСи қурилишида комсомол зўр шуҳрат қозонди.

Урушдан кейинги даврда Ўзбекистон комсомоли халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш учун авж олдириб юборилган социалистик мусобақанинг актив ташаббускорлари бўлди. Барча қардош республикалар каби, Ўзбекистон ҳам 41 йил ичида оламшумул-тарихий ўзгаришларни қўлга киритди. Республикамиз саноати, қишлоқ хўжалиги, фан ва маданияти барқ уриб гуллаб-яшнади. Бу ишларнинг ҳаммасида комсомолнинг катта ҳиссаси бордир.

КПССнинг XX съезди ВЛКСМнинг бутун фаолиятига самарали таъсир кўрсатди. Партиянинг XX съезди комсомолнинг ишларини коммунистик қурилиш практикаси билан маҳкам боғлади, ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш йўлларини кўрсатди, йигит ва қизларнинг революцион ғайратини ошириб юборди, уларнинг коммунизм ғалабаси йўлида ижодий ғайрат ва интилишлари учун истиқболлар очиб берди. КПСС XX съезди ва Марказий Комитетининг кейинги қарорларида комсомолнинг фаолиятига катта эътибор берилди. Комсомол ва ёшлар партиянинг қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш ҳақидаги Чақиририга зўр ватанпарварлик билан жавоб бердилар. Комсомол ва ёшлардан 350 мингдан зиёд киши, шу жумладан 1000 дан ортиқ Ўзбекистон комсомоли Қозоғистон ва Сибирь ерларига бориб ишламоқдалар.

ВЛКСМнинг 1958 йил апрель ойида бўлиб ўтган XIII съезди комсомол тарихида буюк воқеа бўлди. Съезд мамлакатнинг бутун ижтимоий-сиёсий ҳаётида комсомолнинг роли ўсганлигини кўрсатди. КПСС Марказий Комитетининг ВЛКСМ XIII съездига юборган табриги, Н. С. Хрущевнинг съездда сўзлаган нутқи Ленин комсомоли учун программ ҳужжатлардир. Съезд партиянинг ана шу программ ҳужжатларига таяниб қарорлар ишлаб чиқди. Бу қарорларнинг бутун мазмуни ёшларни коммунистларча яшаш ва ишлашга чақиради.

Республикамиз ёшлари барча совет халқи каби КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг навбатдан ташқари партия XXI съезлини чақириш ҳақидаги қарорини зўр қувонч билан кутиб олдилар. Республикамиз комсомол ва ёшлари Коммунистик партия XXI съезди ва ВЛКСМнинг 40 йиллиги юбилейи шарафига меҳнат вахтасида туриб ишламоқдалар. Съездолди социалистик мусобақада Тошкент комсомол-ёшлари ажойиб муваффақиятларни қўлга киргиздилар. Тошкент машинасозлик заводларида тежалган материаллардан пландан ташқари 20 трактор, 2 экскаватор, 10 сеялка, тўртта компрессор установкаси тайёрланди.

Чирчиқ шаҳрининг ёш пойафзалчилари пландан ташқари 6 минг жуфт оёқ кийими, Оҳангаронинг ёш конча чилари 27 минг тонна кўмир, Бекобод металлурглари август, сентябрь ойларидаёқ пландан ташқари 160 тонна пўлат ва 350 тонна прокат бердилар. Оҳангарон ГРЭСининг ёш қурувчилари ва монтажчилари комсомолнинг 40 йиллик юбилейига навбатдаги учинчи агрегатни ишга туширди. Жарқоқ-Бухоро-Самарқанд-Тошкент газ қувури қурилишида ҳам комсомол муносиб хизмат қилмоқда. Комсомол-ёшларнинг механизациялашган колоннаси кунлик нормасини 150 — 200 процент қилиб бажармоқдалар.

Саноат корхоналарининг комсомол ташкилотлари ёш ишчи ва инженер-техник ходимларнинг рационализаторлик ва ихтирочилик фаолиятига жиддий эътибор бермоқдалар. Рационализаторлик ва ихтирочилик таклифлари учун ВЛКСМ Марказий Комитети томонидан ўтказилган конкурсга республика ёш ишчилари 3000 дан ортиқ таклиф тақдим этдилар. Улардан йиллик иқтисодий эффекти 4 миллион сўм бўлган 1600 таклиф ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Андижондаги «Жанубий Оламишиқ» нефть конидан ўртоқ Вафоев, Самарқанддаги «Красний двигатель» заводининг токари Ражабов ва бошқалар қимматли рационализаторлик таклифларини киритдилар. Комсомол ва ёшлар республикамиз халқ хўжалигининг ҳамма жойида ташаббускорлик кўрсатиб ишламоқдалар.

Пахта — ўзбек халқининг миллий ифтиҳоридир. Пахтакорларнинг шу йилнинг бошида Кремлда бўлиб ўтган Бутуниттифоқ кенгашида республикамиз пахтакорлари 1958 йилда мамлакатга 3 миллион тонна пахта етказиб бериш мажбуриятини олдилар. Ўзбек халқи партия ва ҳукуматимиз олдида олган бу вазифаларини бажариш учун астойдил меҳнат қилмоқда. Комсомол, айниқса қишлоқ комсомоллари бу ишда катта ташаббус кўрсатмоқдалар. Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози комсомол-ёшларининг баҳордаги қимматли ташаббуси бутун республикамиз комсомол-ёшлари томонидан мақўлланди. Бу қишлоқ хўжалик артелининг комсомоллари «Баҳорни комсомолларга хос тайёргарлик билан кутиб олайлик» деган ташаббусни ўртага ташладилар. Меҳнатсевар комсомол ва ёшлар пахта майдонларига маҳаллий ўғит чиқариш ва ҳар бир далачилик бригадасида ғўнгхоналар ташкил қилиш ишларини ўз қўлларига олдилар. Қишлоқ комсомолларининг бундай ташаббуслари тўғрисида жуда кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Республиканинг барча район комсомол ташкилотлари мўл ҳосил учун курашда социалистик мусобақани янада авж олдириб юборди. 12 мингдан ортиқ комсомол-ёшлар бригада ва звеноларга илғорлик учун курашга қўшилди ва улардан 2 мингдан ортиқроғи ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятни шараф билан бажардилар. Ҳозирги кунда 400 мингга яқин комсомол аъзоси пахта теримида ишламоқда. Бу ишда Қашқадарё область комсомол-ёшларининг талаббуси айниқса махтовга сазовордир. Областнинг кўплаб комсомол-ёшлар бригада ва звеноларга давлат пахта тайёрлаш планини ва ўз устларига олган социалистик мажбуриятни шараф билан бажардилар.

Республикамиз комсомол-ёшлари пахтани машинада теришда ҳам ташаббускорлик кўрсатиб ишламоқдалар. Тошкент областининг ёш механизаторлари ВЛКСМ 40 йиллик юбилейи шарафига меҳнат вахтасида туриб СХМ—48М пахта териш машинасида камида 80 тонна ва СХС—1,2 машинасида камида 100 тонна пахта териб бериш мажбуриятини олдилар. Ўзбекистон КП Марказий Комитети томонидан маъқулланган толкентликларнинг бу ташаббуси республикамиз барча ёш механизаторлари томонидан қўллаб-қувватланди. Тошкент область 4-«Боевут» совхозининг механик-ҳайдовчиси комсомол аъзоси Насиб Бекиров ўз сўзининг устидан чиқди. У ҳозиргача 60 тоннадан кўпроқ пахта териб берди. Жарқўрғон районидаги «Сурхон» совхозининг механик-ҳайдовчиси Ўроқ Қаршиев 50 тоннадан кўпроқ пахта терди.

Етиштирилган мўл ҳосилни тезда йиғиб-териб олиш ишида қишлоқ ёшларига шаҳар комсомол ташкилотлари актив ёрдам бермоқдалар. Ўн минглаб ишчи-ёшлар — студентлар ва ўқувчилар пахта йиғим-теримида актив қатнашмоқдалар. Пахта теримида қатнашаётган комсомоллар орасида ҳар куни 150—200 килограмм ва ундан ҳам ошириб пахта тераётган йигит ва қизлар жуда кўп.

Комсомол республикамизда фан ва маданиятни ривожлантиришда ҳам муносиб ҳисса қўшди. Комсомол-ёшлардан йирик фан арбоблари, санъатшунослар, ёзувчилар, шоирлар, врачлар, ўқитувчилар етишиб чиқди.

Комсомоллар физкультура ва спорт ишларига катта эътибор бериб келмоқдалар. Улар ҳар бир район марказида стадион, ҳар бир колхозда спорт майдони, ҳар бир мактаб қошида спорт базалари ташкил қилиш учун кенг ёшлар оммасини жалб қилмоқдалар.

Социалистик қурилишнинг ҳамма босқичларида совет ёшлари янги жамият қурувчиларнинг олдинги сафларида бордилар. Комсомол ҳамма вақт Коммунистик партиянинг ишончли ёрдамчиси, жанговар резерви сифатида ишлаб келди. Партия ёш авл

Редакцияга келган хатлардан

Цех қурилиши қачон тугайди?

Қорасув районидаги Тошкент мотор-ремонт заводи коллективи бинолар етишмаётганлигидан кўп йиллардан буён ишлаб чиқариш қувватини ҳозирги талаб даражасида ошира олмаётир. Бунинг асосий сабаби шуки, қурилиш ташкилотларининг ўтакетган масъулиятсизлиги орқасида 1957 йилнинг бошларида қуришга киришилган қуюв цехи ҳалига қадар фойдаланишга топширилмади.

Маълумки, қуюв цехи бўлмаса корхона коллективининг иши ҳеч қачон унмайди. Чунки қуюв цехи корхонанинг юрагидир. Завод маъмурияти ва партия ташкилоти ана шунинг учун қандай бўлмасин қуюв цехи биносини тиклашга ҳаракат қилди. Қурилишга давлат томонидан қарийб ярим миллион сўм маблағ ажратилди.

1957 йилнинг бошларида корхона маъмуриятининг талаби билан бу ишга киришилди. Дастлабки ойларда қурувчилар тузук ишладилар, цех деворлари кўтарилиб, усти ёпилди. Бироқ нима бўлди-ю, цех қурилиши шу ҳолича қолиб кетди. Ташқаридан қараган киши, 10-15 кунлик иш қолибдику, нега энди тезроқ битказиб, фойдаланишга топшириш пайсалга солинаётир, деб ўйлайди.

32-қурилиш трестига қарашли 3-қурилиш-монтаж бошқармасининг бошлиғи Ўртоқ А. Ғаниев бундан роса бир йил муқаддам завод директорига телефон қилиб: «хотиржам бўлинг, цехни декабрь ойида албатта қуриб битказамиз» деб ваъда берган эди. Мана шундан буён бир йил ўтди. Лекин цех ҳали ҳам ўша қиёфада. Шундан сўнг 1958 йилнинг бошларида, цехни тезроқ фойдаланишга топшириш мақсадида қайтадан шартнома тузилди. Кўп ўтмай қурилиш объектига бошқарманинг 52 бинокори келди. Улар атиги 3 кун қимирлаб, тўртинчи куни негадир ишга келмай қўйдилар. Маълум бўлишича, Ўртоқ Ғаниев уларни бошқа қурилиш объектига жўнатиб юборган экан.

Қурилиш ташкилотида беқарорлик шу даражада авж олиб кетганки, ўтган вақтлар давомида шу объектнинг ўзида ўнга яқин прорабни алмаштирдилар. Қурилиш суръатининг қай даражада бораётганлигини қуйидаги рақамлардан ҳам кўрса бўлади. Агар шу йилнинг биринчи кварталида ҳаммаси бўлиб 54 минг сўм ўзлаштирилган бўлса, иккинчи ва учинчи квартал мобайнида атиги 22 минг сўм маблағ ўзлаштирилди. Бундай паст суръат билан иш давом этаверса цех қурилиши 1960 йилнинг охирларига бориб битказилиши ҳам гумон.

Ҳозирги вақтда қурилиш объектида икки бинокор ва прораб «ишлаб турибди». Сўнгги 6 ой давомида цех қурилишини давом эттириш учун энг зарур бўлган ёғочдан бир кубометр ҳам келтирилмаган. Қурилиш объектидаги ҳақиқий аҳволдан 32-қурилиш трестининг раҳбарлари ҳам яхши хабардорлар. Лекин улар завод хўжалиги учун жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган цех қурилишига ҳалигача бирор марта ҳам қия бокканлари йўқ.

Цех қурилиши қачонгача пайсалга солинар экан?

Р. УБАЙДУЛЛАЕВ.
«Ленин йўли» газетасининг редактори.

Кўчаларнинг номларини қаердан билиш мумкин?

1959 йил январда ўтказиладиган аҳоли рўйхатига тайёргарлик кўриладиган шу кунларда шаҳарларда ва поселкаларда кўчаларнинг номларини аниқлаш ҳамда уйларнинг номерларини тартибга солишнинг аҳамияти каттадир. Бу рўйхат олишда иштирок этувчиларга катта қулайлик туғдиради. Шунга қарамай кўпгина жойларда, шу жумладан Калинин районидаги Келес ишчилар поселкасида бу муҳим ишга етарли эътибор беридмаётир. Ваҳоланки поселкада кўчалар тартибсиз жойлашган. Керакли кўчани ахтариб топиш учун кўп вақт сарф қилишга тўғри келади. Чунки бирор кўчанинг номи ҳам ёзиб қўйилмаган.

Яқинда уйларга номер қоқилди. Лекин кўчаларнинг номи ёзиб қўйилмагани учун бу номерлардан исталган уйни топиш мумкин эмас. Тартибсиз қоқилган номерларнинг каердан бошланиб, каерда тугашини билиб бўлмайди.

Поселкадаги бу тартибсизлик аҳолини рўйхатга олиш вақтида катта қийинчилик туғдириши турган гап. Поселка Советининг раиси Ўртоқ Т. Ширинов бу масалага жиддий эътибор бериши лозим.

О. ТУРҒУНОВ.
Калинин район санитария-эпидемия станциясининг ходими.

Колхозчилар талаб қиладилар

Янгийўл районидаги Свердлов номли колхознинг 6 минг сўмлик хилма-хил адабий, сиёсий адабиётларга эга бўлган китоб фонди бор эди. Лекин кутубхона биноси 1955 йилдан 1957 йилгача ҳар йили қишда ошхона ёки меҳмонхонага айлантириб келинар, китоблар эса подкаларга тартибсиз тахлаб қўйилар, меҳмонлар хоҳлаганларини олиб кетаверар эдилар. 1957 йилда янги меҳмонхона қурилгандан кейин колхозчилар «энди кутубхона иши ҳам юришиб кетса керак» деб севиндилар. Лекин бу хона ҳамон кутубхона вазифасини бажармаётир. У лабораторияга айлантирилди. Бу ҳақда район газетасида танқидий мақолалар ҳам босилиб чиқди. Лекин аҳвол ўзгармаётир.

Колхознинг клуби бор эди. Лекин колхоз правлениесининг раиси Шоҳрахмедов, партия ташкилотининг секретари Усмонов ўртоқларнинг кўрсатмаси билан клуб биносидан чойхона, ящиклар сақланадиган омбор сифатида фойдаланилаётир. Клуб ҳузурида ташкил этилган бадиий ҳаваскорлик тўгараги жой бўлмаганлигидан тарқалиб кетди. Колхоз раҳбарлари янги клуб солиштирмизку, деб важ қиладилар. Лекин бу важ ўринсиз. Чунки 1955 йилда қурила бошлаган клуб биноси ҳали ҳам битган эмас.

Областимизнинг энг илғор, йирик қишлоқ хўжалик артелларидан ҳисобланган Свердлов номли колхоз раҳбарлари колхозчиларнинг маданий эҳтиёжларини қондириш ишига ана шундай нотўғри муносабатда бўлмоқдалар. Ахир қишлоқ хўжалиги артели Уставида жамоат биноларидан ўз ўрнида фойдаланиш зарурлиги уқтириб ўтилганку.

Колхозчиларнинг талаби клуб ва кутубхонадан ўз ўрнида фойдаланишни йўлга қўйиш, уларни қишлоқнинг чинакам маданий ўчоқларига айлантиришдир.

Қ. НОИПОВ.

РЕДАКЦИЯГА ЖАВОБ ҚИЛАДИЛАР

„Қарияларнинг талаби“

Бекобод шаҳар қарияларининг қишин-ёзин маданий дам оладиган Булоқ ариқ қирғоғидаги чойхона биносини «Бекободторг» раҳбарлари маданий моллар магазинига айлантирди. «Бекободторг» директори Ўртоқ Стремовский қарияларнинг бундан норозилик билдиришига қулоқ солмай келади, дейилган эди редакцияга келган хатларнинг бирида.

Бекобод шаҳар ижроия комитетининг савдо бўлими мудири Ўртоқ Авдиянцнинг редакцияга маълум қилишича текшириш натижасида хабарда келтирилган фактлар тўла тасдиқланган. Қариялар талабини қондириш учун 1- ошхонани янги бинога кўчириб, унинг ўрнига чойхона очиш тўғрисида «Бекободторг» директори Ўртоқ Стремовскийга кўрсатма берилган.

☆

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Химия институти илмий ходимлари нефть таркибидаги хушбўй моддаларнинг синтези устида муҳим тадқиқот олиб бораётирлар. Бу тадқиқотнинг амалий аҳамияти жуда каттадир. Суратда аспирантка Қумри Нисорбоева (чапда) ва илмий ходим Зуҳра Обидова ўртоқлар нефть химияси лабораториясида илмий-текшириш иши олиб бормоқдалар.

Б. Артемов,
фотоси.

☆

Тошкент. Суратда: Тарас Шевченко кўчаси. В. Надеждин фотоси.

Ёш олим

Ёшликданоқ табиат манзараларига, ўқиш-ўрганишга берилган Боқир Ғаниев ўрта мактабда ўқиб юрган йилларидаёқ физика, математика ва химия фанларига жуда ҳам қизиқди. У, ўрта мактабни аъло баҳолар билан битириб чиққач, 1946 йили Ўрта Осиё давлат университетининг химия факультетига кириб ўқий бошлади.

Боқир университетда ўқиркан, кундалик дарсни ўзлаштириши, ҳулқи ва одоби билан бошқа студентлардан ажралиб турарди. Университетнинг химия лабораториялари унинг энг севган жойига айланди. У, ўқишда дуч келган қийинчиликларга бардош берди ва уларни енгди. 1951 йилда университетни муваффақиятли тамомлаган Боқир Ғаниев университет ўқитувчиларнинг тавсияси билан аспирантурада ўқишни давом эттира бошлади. У, аспирантурада ўқир экан, республика Фанлар академияси химия институти лабораториясида «Ўзбекистонда ўстирилаётган эвкомия дарахтидан чиқадиган гутаперчанинг физик-химиявий хусусияти» деган темадаги илмий иш билан шуғуллана бошлади. Гутаперча асосан кабелларни, сув ости кемасининг устки қисмини қоплашга, химия заводлари учун керакли асбобларнинг устки қисмини қоплашга ишлатилади.

Бизда ҳозирга қадар гутаперча берекить дарахтининг пўстлоғидан химиявий йўллар орқали олинарди. Шу билан бир вақтда дарахтни ўстириш учун маълум шароит мавжуд бўлиши керак эди. Бу эса саноат учун керакли миқдорда гутаперчани олиш имкониятини бермасди. Энди эса, эвкомия дарахтини Ўзбекистон шароитида ўстириб, ундан гутаперча олиш мумкинми? деган саволга Боқир Ғаниевнинг илмий ишларида жавоб топилган бўлиши керак эди. Ана шундай муҳим проблемани ҳал қилиш Ғаниевдан кўп ижодий изланишни талаб қиларди. Шунингдек, бу илмий иш юзасидан керакли адабиётларни пухта ўрганиш, гутаперча соҳасида иш олиб бораётган олимлар билан алоқа боғлаш зарур эди. Шунинг учун Б. Ғаниев Москвадаги илмий муассасаларда ишлаётган академик Кергин, Прокофьев, Михайлов каби олимлар билан учраши, фанда тўпланган янгиликларни синчиклаб ўрганди.

У, Тошкентга келиб, илмий иши юзасидан ўсимликларни ўрганиш учун Пискент районига, Ўрмон-хўжалик илмий-текшириш институтига ҳамда Ўзбекистон Фанлар академиясининг ботаника институтига бориб, илмий ходимлар билан яқиндан алоқа боғлаб ишлай бошлади. Бу соҳада асосан Ўрмон-хўжалик институтининг илмий ходими В. М. Ровский ёш олимга катта ёрдам берди.

Боқир Ғаниев ўз устида тинмай ишлаши, фан янгиликларини изчиллик билан ўрганиши ва буни ўз ишига тадбиқ эта билиши, олимлар билан яқин алоқа боғлаши натижасида эвкомия дарахти пўстлоғида 10 процент, унинг баргида эса 5 процентга яқин гутаперча моддаси борлигини илмий равишда исботлаб берди. Ёш олимнинг илмий иши асосида Ўзбекистон шароитида ўсаётган эвкомия дарахтидан саноатимизга керакли қимматли гутаперча олиш учун бу дарахтни республикада кенг миқёсда ўстириш йўлга қўйилди. Б. Ғаниев 1955 йилнинг июль ойида «Ўзбекистонда ўстирилаётган эвкомия дарахтидан чиқадиган гутаперчанинг физика-химиявий хусусияти» деган темада диссертация ёқлади.

Олимлар советида ҳозир бўлган Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиклари С. Ю. Юнусов, О. С. Содиқов, академиянинг корреспондент аъзоси А. Усмонов, профессор А. Муртозаев, илмий ходимлардан Х. Р. Рустамов, Қ. С. Аҳмедов, В. М. Ровский ва бошқа олимлар Боқир Ғаниевнинг бу илмий иши химия фанидаги янгиликлардан бири эканини, у саноатимиз учун гутаперча олишда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб кўрсатдилар.

Шу билан бир вақтда Б. Ғаниев рус химик олимларининг китобларини ўзбек тилига таржима қилмоқда. Б. Ғаниев илмий фаолиятини давом эттириш билан бирга студент ёшларни тарбиялашдек шарафли соҳада ҳам ишламоқда. У, Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг студентларига лекция ўқимоқда. Унинг химия фанидан ўқиётган лекцияси талабчан студентларни тўла қаноатлантиради. Студентлар ҳурматли ўқитувчиларидан гоят миннатдорлар. Бу йил қишлоқ хўжалик институтининг илмий совети ёш олим Б. Ғаниевга доцент унвонини берди.

Х. ШАРИПОВ.

Меҳнаткашларнинг шикоятларига эътибор берайлик!

ГАЗ ПЛИТАСИ ҚАЧОН ҚУРИЛАДИ?

Партия ва ҳукуматимиз меҳнаткашларнинг фаровонлиги, хусусан кўп болали оналар тўғрисида катта ғамхўрлик қилиб келмоқдалар, ёш авлодни тарбиялашда оналарга ҳар томонлама ёрдам бермоқдалар. Биз, оналар бундай ғамхўрликдан бехал миннатдормиз.

Лекин айрим ташкилотлар, баъзи бир ходимларнинг ўз вазифаларига эътиборсиз қараллари орқасида бу соҳада айрим нуқсонлар ҳам содир бўлиб туради. Масалан, «Ташгоргаз» трестидан менинг уйимга усталар келиб, сизга газ плита қуриб берамиз, деб ошхонадаги плита-печни буздирдилар. Газ плита қуриш ҳақидаги хабар бизни ниҳоятда қувонтирди. Бироқ қувончимиз узоққа бормади. Усталар газ балони ўрнатиладиган буткани келтириб қўйишди-да, шу билан дом-даракси бўлиб кетишди.

Мана орадан роса 8 ой ўтди. Ҳамон газ плита қурилгани йўқ. Икки ўртада плита-печдан ҳам айрилиб қолдик. Афтидан «Ташгоргаз» трестининг ходимлари ўзлари бошлаган ишни мутлақо унутиб юборган бўлсалар керак. Бўлмаса 8 ой мобайнида бирор марта келиб, газ плитасининг бўлиш-бўлмаслигини айтиб кетган бўлар эдилар.

Қишли-қировли кунлар яқинлашиб қолди. Қаерда овқат пиширишимизни билмай, саросон бўлиб қолдик. Энди газ плитаси қачон қурилар экан? Трест раҳбаридан шуни билмоқчи эдик.

Раҳима СУЛТОНОВА.
9 боланинг онаси, Ўқчи маҳалла.

АМАЛГА ОШМАГАН ВАЪДА

Ўртасарой районидаги «Гулистон» колхози биринчи участкасининг электр билан таъминланиб, радиолаштирилганига кўп йиллар бўлди. Лекин колхознинг 2- участкасига ҳалига қадар электр чироқлари келмаган ва радио ўрнатилмаган. Колхоз раиси ўртоқ Ной Эн-фир 1949 йилдаёқ колхознинг бу участкасида ҳам типовой уйлар қуриш, электр симлари тортиб келтиришга ваъда берган ва кўп мажлисларда бу ваъдасини қайта-қайта такрорлаган эди. Орадан кўп йиллар ўтган бўлса ҳам ваъда-ваъдалигича қолиб келмоқда. Биринчи участка билан 7- бригада аъзолари жойлашган иккинчи участка орасидаги масофа 1,5-2 километр келади. Колхоз правлениеси ҳам, унинг раиси Ной Эн-фир ҳам столба ва сим йўқ баҳонаси билан ўз ваъдаларининг устидан чиқмаётирлар. Бундан ташқари колхоз 2- участкада бир клуб солган эди. Қурилиш ишлари 6 ойдан бери тўхтаб ётибди. Очиқда қолган қурилиш материаллари ёмғир остида қолиб ишдан чиқмоқда.

Колхозчиларга берилган ваъда қачон амалга ошади, бунинг кети кўринмайди.

Т. АШУРБОЕВ,
студент.

ЛАМПА ШИШАЛАР НЕГА ЙЎҚ?

Яқинда биз «Ташпромторг»нинг Октябрь, Олой ва Госпитал бозорларидаги хўжалик магазиндарини ахтариб, бирортасидан ҳам лампа шиша тополмадик. Қайси бир магазин ёки ларекка бориб, лампа шиша сўрасак, ҳамма ерда бир хил — «Шишаси йўқ-ку, лампаси билан пилиги бор» деб жавоб беришади. Сотувчиларнинг айтишларига қараганда «Ташпромторг»нинг 2- базасида лампа шишалар тахланиб ётган бўлса ҳам нима учундир магазинларга камдан-кам чиқарилар экан.

Магазинларни ахтариб лампа шиша ололмаганимиздан кейин Октябрь район чайков бозоридан бориб олиб сотарлардан ҳар бирини 3 сўм 50 тийиндан олишга мажбур бўлдик.

Лампа ҳали тамомила истеъмолдан қолгани йўқ. Шундай экан, уни магазинларга етарли миқдорда чиқариш лозим.

Ёқуб ХЎЖАЕВ,
пенсионер.

А. ТУРСУНОВ,
3- мебель фабрикасининг юкчиси.

Ишчилар таъминотига бефарқ қаралмоқда

Ипакчилик фабрикаси қурилиши, ёғоч буюмлар корхонаси, толь фабрикаси, Сталин номли артель Октябрь районининг шимолий қисми, Қорасарой кўчасида, шаҳардан анча узоқ жойда. Толь фабрикаси ишчилари уч сменада ишлайди. Ипак фабрикасини тезроқ битказиб, фойдаланишга топшириш учун икки сменада иш қизғин давом этмоқда.

Бу корхоналар ва шу атрофдаги ташкилотларда ишловчи ишчи-хизматчиларни таъминлаш учун Октябрь ошхоналар трести 1957 йил июль ойида ошхона очди. Тўғри, у вақтда бу ердаги корхоналарда ишловчилар оз эди. Ошхона очилишга очилди-ю, лекин мунтазам ишламади. Ошхонанинг тартибсиз ишлари тўғрисида район партия комитетига мурожаат қилинди. Трест раҳбарлари қаттиқ огоҳлантирилди, улар ошхона ишини яхшилаймиз, деб ваъда бердилар, лекин иш директорларни алмаштиришдан нарига ўтмади. 5-6 директор келиб кетди, аҳвол ўзгармади.

Ҳозир бу ердаги корхоналарда ишловчиларнинг сони бир неча юзга етган, аммо таъминот масаласи ҳамон тартибга солингани йўқ.

Яқинда юқоридаги корхоналарда бўлдик. Ипак фабрикаси қурилишига кирганимизда бир аёл катта бинодан шошиб чиқди, биз ундан бирор воқеа юз бердими, деб сўраган эдик, у:

— Нима қилай опаси ўргилсин, ошхонамиз кўпдан буён ишламайди, ишчилар жуда қийналиб қолишди, шуларга чой қайнатиб берай деб югуриб юрибман.

Ҳақиқатан ҳам трест раҳбарлари ишчилар таъминотига ҳалдан ташқари бефарқ ва масъулиятсизлик билан қараб келмоқдалар. Бу ерда буфет ҳам йўқ. Ошхона санитария инспекциясининг тузган акти билан 3-4 ойдан буён ёпилиб ётибди. Трест раҳбарлари ошхонани очишга ҳанузгача ҳаракат қилмаётирлар.

Ипак фабрикасига қарашли бинодаги ошхонани фабрика маъмурияти ремонт қилиб беришни ўз устига олган. Афсуски, ваъда амалга ошмади, ошхона ремонт қилинмади. Ишчиларнинг ҳақли талабларига трест директори Ўртоқ Сайфуллаев эътибор бермай, ана-мана деб юрибди.

Бу ерда район пишчеторгининг 85-магазини ҳам бор. Магазинда озиқ-овқат маҳсулотлари жуда кам. Колбаса, турли консервалар топилмайди, нон эса ўз вақтида келтирилмайди. Гўшт дўкони ёпилиб, бошқа жойга кўчириб юборилди. Фабрика қурилиши маъмурияти райпишчеторгга расмий хат ёзиб, таъминот масаласини тузатишни талаб қилди. Бу талаб ҳам оқибатсиз қолмоқда.

Октябрь ошхоналар трести, район пишчеторги раҳбарлари ишчилар таъминотига қачонгача бефарқ қарайдилар?

Ш. КУЗАНБОЕВ.

Мактаб мулки мактабга қайтарилсин

Қуйи Чирчиқ район Қоратепа қишлоқ советидаги «Ўзбекистон» колхози территориясида бошланғич мактабла бир неча йиллан бери дарс олиб борилади. Мактаб биносида жой танқис бўлганлиги учун район халқ маорифи бўлими бу йил мактабга бир фин уйи ажратди. Бу уйнинг ҳамма қисмлари Қоратепа қишлоқ советига келтирилди. Лекин ўқиш бошланганидан бери бир ярим ойдан ортиқроқ вақт ўтган бўлишига қарамай, бу уй тикланиб, мактабга берилмаётир.

Мактаб маъмурияти бу ғалати аҳволдан таажжубланиб, қишлоқ Советининг раиси Ўртоқ И. Аҳмедовга бир неча марта мурожаат қилди. Лекин у нима учундир уйни қуриб бермаётир. Афтидан, И. Аҳмедов бу уйни бирор кишига совға қилиб бермоқчига ўхшайди. Қишлоқ совети раисининг бу нотўғри хатти-ҳаракати мактаб ўқувчиларини ва уларнинг ота-оналарини ҳамда педагогларни ранжитмоқда. Ҳоналар етишмай турганда бу уйнинг тиклан-май турини таълим-тарбия ишларининг сифатига салбий таъсир қилмоқда. Ўртоқ И. Аҳмедов мактаб мулки дахлсиз эканлигини, уйни дарҳол мактабга бериш, пайсалга солмай уни тиклаш зарурлигини тушуниб етмаётир. Район ижроия комитети бу масалага аралашиши ва Ўртоқ И. Аҳмедовнинг хатосини тушунтириб қўйиши керак.

Н. БЕКПЎЛАТОВ.
Қуйи Чирчиқ район Қоратепа қишлоқ советидаги бошланғич мактаб мудири.

Ваъдалар қачон амалга ошади?

Октябрь районининг Чопонота массивидаги «Новза» маҳалласида 2 мингдан ортиқ аҳоли яшашига қарамай, улар водопровод суви билан таъминланмаганлар.

Маҳалла территориясида 5 та қудуқ мавжуд бўлса ҳам Октябрь район ижроия комитети бу қудуқларни ремонт қилиш билан шуғулланмай қўйган.

Шу йил 21 сентябрда йиғилган маҳалла активи, агар қурилиш материаллари, шунингдек, район мутахассислари томонидан техника ва санитарияга оид консультация берилса, мавжуд қудуқларни ўз кучлари билан ремонт қилиб, фойдаланишга қарор қилди. Шу ҳақда тегишли жойга мурожаат қилинди. Аммо шу чоққача ҳеч қандай амалий ёрдам берилмади.

«Водоканал» трести инженери бу районда ер ости сувлари мавжудлиги ва лаборатория анализида ичиш учун яроқли деб топилганини кўзда тутиб, яна қўшимча равишда қудуқлар қазиб беришга ваъда қилди.

Афсуски, бу ваъда ҳам бажарилмади.

Меҳнаткашлар бу маҳаллада сувнинг ифослиги туфайли тез-тез рўй бериб турадиган ошқозон-ичак касаллигининг олдини олиш учун мавжуд қудуқларнинг ремонт қилинишини ҳамда қўшимча равишда янги қудуқлар қазиб берилишини талаб қиладилар.

И. БАРИШОВ,
С. ЁҚУБХЎЖАЕВ.
Пенсионерлар.

РЕДАКЦИЯГА ЖАВОБ ҚИЛАДИЛАР

„Сувсиз водопровод колонкалари“

Пойтахтимизнинг кўркам кўчаларидан бири бўлган Фурқат кўчасида ўрнатилган водопровод колонкаларида сув доим бўлиб турмайди. Меҳнаткашлар сувни узоқ жойлардан олиб келишга мажбур бўлмоқдалар, дейилган эди редакцияга келган хатлардан бирида. Хабар текшириш ва чора кўриш учун Тошкент шаҳар Водоканал трести бошқармасига юборилган эди.

Трестнинг водопровод тармоқлари бошқармаси бошлиғи Ўртоқ Туренко ва технороги Хацкевич Ўртоқларнинг имзоси билан редакцияга юборилган жавобида хабарда келтирилган фактлар тўла тасдиқлангани, Фурқат кўчасидаги водопровод тармоқлари ва колонкаларнинг ҳаммаси тузатилиб, аҳоли сув билан тўла таъмин қилингани билдирилган.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг 15 йиллигига доир

«Ўзбекистон ССР Фанлар академияси» номли маълумотнома босмадан чиқди. Бу китоб Академиянинг ташкил этилганлигига ўн беш йил тўлиши муносабати билан нашр этилди. Ўзбекистон Фанлар академияси ССР Фанлар академиясининг Ўзбекистон филиали негизида барпо қилинган эди.

Маълумотноманинг академия тарихига бағишланган бўлимида дастлаб унинг составида ўнта илмий муассаса бўлганлиги, ҳозирда эса бу муассасаларнинг сони ўттиз олтитага етганлиги кўрсатилади. Кейинги йилларда, жумладан, ядро физикаси, ўлка медицинаси, философия ва ҳуқуқ институтлари, Қорақалпоғистон комплекс илмий-текшириш институти тузилди. Шу йилнинг охирида полимерлар химияси институти ишлай бошлайди.

15 йил ичида академия илмий ходимларининг сони деярлик олти баравар кўпайиб, ҳозирги вақтда 2.200 кишини ташкил этади, шулардан 500 дан кўпроғи фан докторлари ва кандидатларидир. Ҳозир академия составида 63 академик ва корреспондент аъзо бор. Энг йирик олимлардан икки киши академиянинг президенти геолог Х. М. Абдуллаев ва унинг вице-президенти химик С. Ю. Юнусов СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзолари қилиб сайландилар. Ёш тадқиқотчиларни тайёрлаш йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон Фанлар академиясининг аспирантлари ҳозир 300 кишидан ошади.

Академия барпо бўлган вақтдан буён тўрт минг илмий асар, шу жумладан юздан кўпроқ катта монографик тадқиқотлар нашр этилди. Ўзбекистон олимлари билимининг жуда хилма-хил соҳаларида — геология, химия, математика, ядро физикаси, биология ва кўпгина бошқа соҳаларда илмий проблемаларни ишлаб чиқишга жиддий ҳисса қўшдилар.

Маълумотномада республика фанлар академиясининг барча институтлари ва лабораториялари фаолияти батафсил таърифлаб берилган.

Маълумотнома Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академик-секретари Х. Ф. Фозилов таҳрири остида нашр этилди. Маълумотномани тузувчи автор — академиянинг илмий секретари А. И. Садовский. (ЎзТАГ).

☆

Мирзачўл колхоз, совхоз музикали драма театрининг ижодий коллективи Гулистон, Бекобод, Боёвут ва бошқа районларда маданий хизмат кўрсатмоқда. Коллектив репертуарида «Нурхон», «Икки бойга бир малай», «Майсаранинг иши» сингари спектакллардан парчалар, СССР халқларининг, чет эл мамлакатларининг ашула ва рақслари, совет композиторларининг асарлари бор. Суратда: артистка Т. Қосимова афғон халқ қўшиғини ижро этмоқда.

М. Комлев,
фотоси.

☆

БИЗНИНГ МЕҲМОНЛАРИМИЗ

СССР билан Ҳиндистон ўртасида савдо битими тузиш тўғрисида музокаралар олиб бориш учун Ҳиндистон ташқи савдо бош директори, савдо ва саноат министрлигининг секретари К. Б. Лалл бошчилигидаги савдо делегацияси Деҳлидан Москвага келди.

Чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқа жамиятлари союзининг таклифига мувофиқ, Совет Иттифоқига келган Ҳиндистон олимларининг бир группаси Ўзбекистонда беш кун меҳмон бўлди. Ҳиндистонлик меҳмонлар — Калькутта университетининг профессори Н. Датт, Мадорас университетининг профессори В. Рагхавая, Ҳайдаробод университетининг профессори А. Шарма ва Рампур шаҳридаги давлат кутубхонасининг нозири И. Арши Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг шарқшунослик институтида бўлдилар, Тошкентдаги 24- мактабда ҳинд тили дарсларида ҳозир бўлдилар. Улар Калинин районидаги Сталин номли колхоз хўжалигини кўздан кечирдилар, Самарқандга бордилар. Ҳиндистон олимлари 25 октябрда ўз ватанларига жўнаб кетдилар.

Эрон савдо министри Аббос Найсари Москвага келди. Найсари билан бирга унинг ҳамроҳлари Эрон савдо палатасининг раиси сенатор Али Бакилий ва савдо палатаси президиумининг аъзоси Жальфар Тагиниялар ҳам келдилар.

Чехословакия ёзувчиларининг бир группаси Закарпатияда тўрт кун меҳмон бўлиб турди. Делегацияга «Икки баҳор» романининг совет китобхонларига машҳур бўлган автори Богумил Ржига бошчилик қилди. Қардош адабиёт вакиллари бир неча ижодий кеча ўтказдилар. Свалява дарахт кесувчилари билан, Ужгород университетининг олимлари ва студентлари билан, саноат корхоналарининг ишчилари, интеллигенция вакиллари билан учрашдилар.

(ТАСС).

———

«БИР АГРЕССИЯНИНГ ТАРИХИ»

Янги ҳужжатли фильм

Мамлакатдаги кинотеатрларнинг экранларида «Бир агрессиянинг тарихи» деган ҳужжатли фильм кўрсатилмоқда. Бу фильмда Америка Қўшма Штатларининг Ливан халқига қарши агрессияси тўғрисида ҳикоя қилинади.

Фильмда Совет Иттифоқи бошчилигидаги тинчликсевар мамлакатлар Араб Шарқи халқларининг миллий озодлик курашини қўллаб-қувватлаганлигини кўрсатадиган манзаралар катта ўрин олади.

Тамошабинлар СССР Ташқи ишлар министри А. Громиконинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг фавқулодда махсус сессиясида сўзлган нутқини тинглайдилар.

Ҳужжатли фильмлар Марказий студияси тайёрлаган картинада Ливанда, Бирлашган Араб Республикаси, Ироқ, Исроил, Ғарбий Германияда, шунингдек, Москва, Пекин, Прага, Бухарест, Стокгольм, Нью-Йорк, Лондонда ва бошқа шаҳарларда лентага олган чет эл ва совет кинооператорларининг съёмкаларидан фойдаланилган. (ТАСС).

Чехословакия ва Руминия партия-ҳукумат делегацияларининг қўшма баёноти

ПРАГА, 26 октябрь. (ТАСС). Чехословакия телеграф агентлиги билдиради: 25 октябрда Чехословакия ва Руминия партия-ҳукумат делегациялари қўшма баёнотни имзолашдилар. Баёнотда бундай дейилади: Музокаралар вақтида халқаро аҳвол ва халқаро ишчилар ҳаракатининг асосий масалалари юзасидан кенг фикр олишилди. Айни вақтда ҳар иккала партия ва давлат ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш тўғрисидаги қарорлар қабул қилинди. Музокаралар дўстона вазиятда ва ҳар иккала томоннинг тўла ҳамжиҳатлиги ва улар фикрларининг мутлақо бирлиги негизида ўтди.

Баёнотда таъкидлаб айтилишича, социалистик лагернинг бирлиги ва куч-қудратини ҳар томонлама мустаҳкамлаш зарур. Совет Иттифоқи билан бузилмас дўстлик ва иттифоқ, дейилади баёнотда, социализм қурилишида ва тинчликни ҳимоя қилиш ишида буюк вазифаларни муваффақиятли бажаришнинг гаровидир.

Ҳар иккала томон Совет ҳукуматининг қуролсизланиш тўғрисида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XIII сессиясига тақдим этган таклифини қўллаб-қувватлайдилар. Улар зўравонлик сиёсати тарафдорларининг агрессив планларини фош қилишга, тинчлик, демократия ва социализм ҳалқаро кучларини янада ўстиришга, бутун дунёда тинчликни ҳимоя қилишга бундан буён ҳам ёрдам берадилар.

Баёнотда Ғарбий Германиядаги воқеаларнинг ривожланиши хавф туғдираётганлиги кўрсатилади. Бундесвернинг атом қуроли билан қуроллантирилиши муносабати билан Германия Федератив Республикасида социалистик лагердаги мамлакатларга қарши реваншчилик кампанияси ўтказилмоқда. Ғарбий Германиядаги ҳукмрон доиралар ана шу кампанияни рағбатлантирмоқдалар. Бундай сиёсат Германия масаласини ҳал этишга, шунингдек, Германия Федератив Республикасининг социалистик мамлакатлар билан муносабатларини нормаллаштиришга халақит бераётган асосий говдир.

Ҳар иккала делегация Польшанинг Марказий Европада атом ва ракета қуролидан ҳоли бўлган зонани вужудга келтириш тўғрисидаги таклифини қувватлайди. Бу чора Германия проблемасини ҳар иккала немис давлати ўртасида музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этишни, енгиллаштирган бўлур эди ва Умум Европа коллектив хавфсизлик системасини вужудга келтиришни тезлаштирган бўлур эди. Делегациялар Германия Федератив Республикаси билан ва бутун Германиядаги барча демократик ҳамда ватанпарвар кучлар билан бирдам экаанликларини билдирадилар. Улар Германия Демократик Республикаси ҳукуматининг Германия билан сулҳ шартномасини тайёрлаш ва Германия конфедерациясини вужудга келтириш тўғрисидаги таклифини табриклайдилар.

Ҳар иккала томон империалист давлатларнинг агрессив мустамлакачилик сиёсатини қоралайдилар ва Осиё ҳамда Африка халқларининг миллий озодлик курраши билан бирдам эканликларини изҳор қиладилар.

Сўнгра, баёнотда Хитой Халқ Республикасининг Тайвань бўғозида АҚШнинг ҳарбий игвогарликлари ва агрессив ҳаракатларига нисбатан адолатли позицияси қўллаб-қувватланади. Хитой халқи Тайванни ва кирғоқ бўйи ороллари озод қилиш ҳуқуқига эгадир. Америка қўшинларини Хитой территориясидан олиб чиқиб кетиш йўли билангина Узоқ Шарқда кескинликни чинакам юмшатиш мумкин.

Ҳар иккала делегация агрессив Шимолий атлантик пакти натижасида вужудга келган Варшава шартномасига содиқ эканликларини таъкидлайдилар.

Чехословакия Коммунистик партияси ва Руминия Ишчи партиясининг вакиллари ҳар иккала мамлакатда социалистик қурилишнинг ривожланиши тўғрисида бир-бирларига ахборот бердилар. Улар ҳар иккала партия ўртасидаги қардошларча муносабатлар муваффақиятли суратда ривожланаётганлигини ва бундан буён ҳам мустаҳкамланажагини қайд қилдилар.

Баёнотда яна бундай дейилади: марксча-ленинча таълимотни ижодий ҳолда сақлаш ва ҳозирги замон ревизионизмининг ҳар қандай кўринишларига қарши қатъий кураш олиб бориш зарур. Ревизионизм кўринишлари Югославия Коммунистлар союзининг программаси ва сиёсатида айниқса ўзининг ёрқин ифодасини топди. Ревизионистлар, дастлаввал, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига қарши таъна қилмоқдалар. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси халқаро революцион ҳаракатнинг бирдан-бир маркази ва етакчи кучи бўлиб қолди. Руминия Ишчи партияси ва Чехословакия Коммунистик партияси социалистик мамлакатларнинг бирлиги ва ҳамкорлигини бузиш ва коммунистик ҳаракат сафларини бузиш йўлидаги ҳар қандай уринишларга қарши зўр қатъият билан кураш олиб борадилар.

Ҳар иккала томон ўз сафларининг бирлигини доим мустаҳкамлаб бориш, марксчи-ленинчи партияларнинг етакчилик ролини мустаҳкамлаб бориш, индустрлаштириш ва қишлоқ хўжалигини социалистик негизда қайта қуриш сиёсатини изчиллик билан ўтказиш, шунингдек, СССРда ва бошқа социалистик мамлакатларда социализм қурилиши соҳасида тўпланган тажрибалардан ижодий фойдаланиш социализмни муваффақиятли суратда қуриш учун асосий шарт, деб билишлар. Делегациялар ҳар иккала мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик формаларини кенгайтириш чораларини белгиладилар.

Руминия партия-ҳукумат делегацияси Прагадан жўнаб кетди

ПРАГА, 26 октябрь. (ТАСС). Чехословакия телеграф агентлигининг хабар беришича, Руминия Халқ Республикаси партия-ҳукумат делегацияси Чехословакияда олти кун меҳмон бўлгандан кейин кеча Прагадан жўнаб кетди. Делегацияга Руминия ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ва Руминия Халқ Республикаси Буюк миллат мажлиси президиумининг аъзоси Георге Георгиу-Деж бошчилик қилмоқда.

Пхеньянда Болгария-Корея дўстлиги митинги

ПХЕНЬЯН, 26 октябрь. (ТАСС). Болгария Министрлар Совети раисининг ўринбосари, Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси В. Червенков бошчилигидаги Болгария парламент делегацияси Корея Халқ Демократик Республикасига келиши муносабати билан бугун Пхеньянда корейс ва болгар халқлари дўстлиги митинги ўтказилди.

Митингда В. Червенков ва Корея Халқ Демократик Республикаси Министрлар кабинети раисининг ўринбосари Тен Ир Лен нутқ сўзладилар.

———

Варшавада Хитой-Америка музокаралари

ВАРШАВА, 25 октябрь. (ТАСС). Польша матбуот агентлигининг хабар беришича, бугун бу ерда Хитой Халқ Республикасининг Польшадаги элчиси Ван Бин-нань билан АҚШнинг Польшадаги элчиси Д. Бим учрашганлар. Учрашув икки соат давом этган. Навбатдаги учрашув 7 ноябрда маҳаллий вақт билан соат 14 да бўлади.

———

Капитал мамлакатларида забастовка ҳаракати

Англиянинг йирик саноат марказларидан бири Конвентрида «Уикмэнс машин тулс лимитед» компаниясига қарашли машинасозлик заводи ишчиларининг забастовкаси бир неча кундан буён давом этмоқда. Иш ташловчилар маъмуриятнинг 60 ишчини шу заводдан бўшатиб юбориш ниятига қарши чиқмоқдалар. «Дейли уоркер» газетаси ёзади: Забастовка қатнашчилари 24 октябрда митингга тўпланиб, забастовкани галаба қозонгунча давом эттиришга тайёр эканликларини билдирдилар. Ана шу компанияга қарашли бошқа заводнинг ишчилари ҳам иш ташловчиларга қўшилдилар. Конвентридаги турли касаба союз ташкилотлари ва машинасозларнинг бирлашган касаба союзи иш ташловчиларга молиявий ва маънавий ёрдам кўрсатмоқдалар.

Тирикчилик тобора қимматлашаётганлиги ва меҳнатқашлар оммасининг аҳволи ёмонлашаётганлиги муносабати билан Уругвайда забастовка ҳаракати кучайиб бормоқда. Матбуот хабарларига кўра, 22 октябрда «Алоса» металлургия заводининг ишчилари 48 соатлик забастовка эълон қилганлар. 23 октябрда механиклар касаба союзига аъзо бўлган ишчилар бир кун мобайнида забастовка қилганлар. Ўша куни хусусий касалхоналар ва поликлиникаларнинг хизматчилари ўз талабларини қувватлаб, бир неча соатлик забастовка эълон қилганлар. (ТАСС).

———

АҚШ АТОМ ҚУРОЛИ СИНОВЛАРИНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК, 26 октябрь. (ТАСС). Юнайтед Пресс Интернейшнл агентлиги билдиради: Қўшма Штатлар бугун Невада штатидаги синов полигонида 13-марта ядро қуроли синовлари ўтказди.

РЕПОРТАЖ

Рассом устахонасида

Тоғ бағридаги лолазор води. Жилғалардан зилол сув оқиб турибди. Шу ажойиб сайрғоҳ ерда уч қиз ўлтириб дам олишяпти: бирининг қўлида дутор — завқ билан чертяпти, қолганлари эса унинг мафтун қилувчи санъатига офарин айтаётгандек. дугоналарига тикилган. Бу ажойиб манзара рассом Ҳикмат Раҳмонов устахонасига киришимиз биланоқ дарҳол кўзга ташланади. Ҳикмат ака бирдам ишдан тўхтаб, ишлаётган расми ҳақида ҳикоя қила бошлади:

— Композитор Фахриддин Содиқовнинг «Дуторим» деган ашуласини эшитгач, менда шу ашуланинг мазмунига мос расм чизиш истаги туғилди. Мана, кўриб турибсизлар, шу расмни ишлаяпман, ҳали тугаганг йўқ...

Рассом шу сўзларни айтаркан, нафис чўткаси билан гоҳ у бўёқдан, гоҳ бу бўёқдан озозлан олиб, бир-бирига аралаштириб, ажойиб бир ранг чиқарди-да, ишида давом этди. Чўтка бориб келган сари кўринишга жон кираётгандек, расм яна ҳам жозибали бўларди. Рассом устахонасидаги эскиз ва портретларни диққат билан кузата бошладик. Ҳикмат Раҳмонов кўпчилик санъаткорлар қатори ҳар бир деталь устида узоқ ишлар, бузар-тузатарди...

Хонадаги расм, эскизларнинг тематикаси ғоят рангба-ранг: ўнг томондаги расмда Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Учқун Ганиевнинг ҳиндча «Овчи» рақсини ижро этаётганлиги маҳорат билан акс эттирилган. Бу асар шунчалик меҳр-муҳаббат билан жонли ва табиий қилиб чизилганки, гўё ўзингизни залда ўтириб, моҳир санъат устасининг рақсини ҳузур билан тамоша қилаётгандек ҳис қиласиз. Чап томондаги пейзажда эса табиат манзараларидан ажойиб бир кўриниш ифода қилинган: икки томонида тераклар қад кўтарган боғ кўча, узоқдан қорли тоғ чўққилари кўзга ташланади. Кўмкўк барглар орасидан оппоқ бинолар ялтираб кўринади. Рассом табиатнинг гўзаллигини жонли бўёқларда акс эттиришга ҳаракат қилиб, асарнинг муваффақиятли чиқишига эришган.

Рўпараласи портрет ҳам ғоят таъсирли чиқибди. Бунда тошкентли донгдор пойафзалчи Убай Раҳматуллаев ўз ҳамкасбларига иш тажрибасини сўзлаб бермоқда. Ғоят усталик билан ишланган бу расмнинг бунёдга келишида Ҳикмат аканинг А. Абдуллаев, С. Муҳамедов, М. Набиев сингари рассомлар билан ҳамкорликда кўп меҳнат сарф қилганлиги сезилиб турибди. Картина Бутуниттифоқ рассомларнинг асарлари виставкасида яхши баҳо олган.

Ҳонадаги расмлар Раҳмоновнинг ўз ижодий тематикасини бойитиб бораётганлигини кўрсатади. Ана у расм ёш туристлар ҳаётига бағишланган. Бунда бир гуруҳ пионерларнинг тоғларда сайр қилиб, Ватанимизнинг табиий бойлигини зўр қизиқиш билан ўрганаётганликлари акс эттирилган. «Ёш туристлар» деб аталувчи бу расм Ўрта Осиё рассомлари асарлари виставкасига қўйилганида жамоатчилик томонидан юқори баҳоланди.

1948 йилдан буён ижодий иш билан шуғулланиб келаётган Рассом Раҳмонов янгиданянги асарлар яратиш учун қунт билан ишламоқда. Ҳикмат ака кўпроқ табиат лавҳаларини ифодалаш, шу лавҳалар фонида кишиларимизнинг ижодий меҳнатини ва кайфиятини акс эттиришга ҳаракат қилади. «Қўрғонтош», «Чимён», «Яйловда», «Бурчмулла йўлларида» деб аталувчи пейзаж эскизлар ва бошқа шу сингари асарларни кўрар экансиз, ўзингизни гўзал табиат қучоғида юргандек, кишилар билан суҳбатлашаётгандек сезасиз.

Ҳикмат ака республика Рассомлар союзининг бошқа аъзолари қаторида ўзбек адабиёти ва санъати декадасини янгиданянги асарлар яратиш билан кутиб олиш учун тинмай ижод қилмоқда. «Яшил сочлар» деб аталувчи асар шулар жумласидандир. Бунда баҳор пайтида ўқувчи қизлар тол баргидан сочпопук қилиб ўйнаб юрган ҳолда акс эттирилган. Бадиий салонга топширилган бу асар ҳам юқори баҳо олди.

Рассом шу кунларда кўпгина пейзажлар қаторида «Ҳашарчилар», «Пахта байрами» сингари асарлар устида ҳам иш олиб бормоқда.

Н. РИХСИЕВ.

Суратда: ўртоқ Ҳикмат Раҳмонов иш устида.

Т. Одилбеков фотоси.

КОМСОМОЛНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Чирчиқ шаҳар комсомол-ёшлари ВЛКСМнинг 40 йиллигини муносиб кутиб олиш учун қизғин тайёрланмоқдалар.

«Ўзбексельмаш» заводи бошланғич комсомол ташкилоти яқинда икки авлоднинг учрашув кечасини ўтказди. Кечага ёш машинасозлар кекса большевикларни таклиф қилишди.

Кекса большевик, 1917 йилдан буён КПСС аъзоси А. М. Метц кеча қатнашчиларига гражданлар урушида қатнашган дастлабки комсомолларнинг жанговар ишлари ҳақида ўз таассуротларини сўзлаб берди. Ўз навбатида ёш ишчилар ҳам бу шонли юбилейга тайёрланган меҳнат совғалари ҳақида сўзладилар. Улар комсомол жамғармасига 500 минг сўм маблағ жамладилар.

О. ЛЕВАК.

———

ФУТБОЛ

«ҒАЛАБАГА ТЕНГ МАҒЛУБИЯТ»

Тошкентга Ленинград шаҳар «Зенит» футбол командасининг келиши футбол ишқибозларини қувонтирди. «А» класс лидерларидан бири бўлган бу команда Тошкентда икки ўйин ўтказди.

Биринчи ўйинда меҳмонлар «Меҳнат резервлари» командасини 3:1 ҳисоби билан мағлубиятга учратдилар.

Ўтган якшанба куни «Зенит» командаси «Пахтакор» командаси билан учрашди. Ўйиннинг биринчи ярмида майдон эгалари тажрибали мастерлар командасига қаттиқ қаршилик кўрсатиб, улар дарвозасини тез-тез хавф остида қолдира бошладилар. Меҳмонлар «Пахтакор» футболчилари устунликни осонликча қўлдан бермаслик учун ишонч ҳосил қилганларидан кейин актив ҳужумга ўтдилар. Аммо Козенков бошчилигидаги ҳимоячилар меҳмонларнинг бу ҳужумларини қайтариб, уларни штраф майдончасига яқинлаштирмадилар.

Иккинчи яримда ўйин янада кескин тус олди. Меҳмонлар ҳужумга қатъий киришиб, ўйиннинг 86-минутида бир тўп киритишга муваффақ бўлдилар. Бу ҳисоб ўйин охиригача ўзгармади.

Мамлакатнинг кучли командаси билан бўлган бу ўйинда «Пахтакор» футболчилари зўр ҳамжиҳатлик кўрсатиб, баланд руҳ билан ўйнаганликлари тамошабинларни ниҳоятда хурсанд қилди. Шунинг учун ҳам бир футбол ишқибози бу ўйинни «Ғалабага тенг маглубият» деб баҳолади.

В. МАҲКАМОВ.

Телевизор экранида

28 ОКТЯБРДА

19.30 М. Горький номли театрнинг «Шодлик излаб» спектакли кўрсатилади. Танаффус вақтларида сўнгги ахборот.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

Журналист блокнотидан

Венгрия таассуротлари

ҚАРДОШЛАР УЧРАШГАНДА

Бу ўлканинг энг сўлим жойларидан Балатонфюредга етиб келганимизда пристандаги кемалар олдида бир группа туристларни учратдик. Улар Чехословакия ва Германия Демократик Республикасидан келган меҳмонлар экан. Дарров апоқ-чапоқ бўлиб кетдик. Балатоннинг гўзал фонида, кемалар ёнида чех, венгер, немис биродарларимиз билан қўлниқўлга бериб суратга тушамиз. Адрес олишамиз, открытка, значёклар улашилади. Балатонфюреднинг ажойиб боғларини айландик. Айниқса елканчилар мусобақалари ўтказиладиган Балатонфюред сув базаси, юрак касали билан оғриганлар даволанадиган шифохона, шаҳарчанинг гўзал қиёфаси хотиримизга унутилмас таассуротлар бўлиб битилди. Шаҳарчанинг таърифини шу шифохонада даволаниб, соғайиб кетган ҳинд алабиёти классиги Рабиндранат Тагор ўз шеърларидан бирида илҳом билан мадҳ қилган.

Шифохона боғида унинг қўли билан ўтказилган дуб дарахти камолга етиб, яшнаб турибди. Ҳинд мутафаккирининг каттагина бюсти остидаги постаментга Балатон ҳақидаги шеъри ёзилган. Нарироқда венгер поэзиясининг йирик арбоби, XIX аср лириги Шандор Кишфалудининг ҳайкали. Икки халқ шоири Балатонфюреднинг тавсифига сўз тополмай лол бўлгандек ҳаёлчан турибди. Ҳайкаллар теграсидаги чаманзорлар, дарахтзорлар орасидаги скамейкаларда дам олиб, манзилнинг латофатига завқланиб тикилиб қоламиз. 1848-49 йилги венгер озодлик ҳаракатининг доҳиси Лайош Кошут ана шу ерда яшаган ва жанговар, публицистик мақолаларини ёзган.

Тихань яриморолги Балатоннинг энг диққатга сазовор кўҳлик жойларидан экан. Сув сатҳидан 150 — 200 метрча баландликка қурилган ибодатхона бутун венгер меъморчилиги тарихида катта ўрин тутган осор-атиқа ёдгорлиги ҳисобланади. Унинг қўшминоралик қуббаларини, фасадидаги архитектура деталларини, залидаги безакларини, ихлос ва эътиқод билан ишланган меҳроблари тамоша қиламиз.

Бирдан биз турган майдонча гавжум бўлиб қолди. Венгер ёшлари келишди. Мана, биз улар билан кўришиб кетдик. Дўстимиз Карой икки венгер қизини таништирди. Католина ва Мария исмли бу ушлачеҳра, уятчан қизлар асли будапештлик бўлиб, бу ерга пионервожатийлари тайёрлаш курсида ўқиш учун келишган экан. Самимий, тўстона суҳбат қизғин тус олди. Жўла дилкаш қизлар экан. Венгер ёшларининг орзу-умиди, бахтиёр, социалистик ҳаёт қуришдаги иштироки, уларнинг совет кишиларига муҳаббати каби масалалар ана шу ширин суҳбатларимизнинг асосий темаси эди. Қизлар кўксимизга Балатон кўли, Тихань яриморолини эсталатиган значёклар тақишади, адресларини ёзиб беришади. Биз ҳам бисотимизлаги энг яхши нарсаларимизни бериб, уларни хурсанд қиламиз.

Мана, биз Тихань яриморолининг хушманзара жойларини тамоша қилиб пляжга келдик. Турли спорт ўйинлари иншоотлари, инвентарлари қўйилган майдонча, боғ ва шийпонлар ёнида жуда қулай ускуналанган пляж. Пляж хизматчиларидан махсус кийимлар олиб, садафранг кўл сувига шўнгийимиз. Сентябрь қуёшининг ҳароратидан илиган сутсимон сув ишқорли бўлгани учун таналарни ипакдек силаётгандек бўлади. Тихань пристани ёнидаги «Спортзалло» деган ёзлик ресторанда овқатланиб, боғларни кезамиз. Венгер йигит-қизлари билан сайр қиламиз. Кечки пайт бир группамиз кемага, бир группамиз автобусга ўтириб, Балатонфюредга йўл оламиз. Денгизда сузиш. айниқса кун ботишини, оловранг шафақнинг сув бетида жилваланишини, оққўш, балиқчи қушларнинг учишини тамоша қилишнинг ўзи бир гашт экан.

Балатонфюред қиргоғи каттакон дарё пристанини эслатади. Шунлоқ кўл бўйида, дарахтлар оғушида ажойиб ресторан, кафелар, спорт базалари, азамат бинолар... Биз автобусда келган шерикларимизни кутдик. Улар анча ҳаяллаб қолишди. Ана шу фурсатдан фойдаланиб, Балатонфюреднинг яна кўп диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдик, унинг ажойиб кишилари билан таништик. Бу ерлар айниқса ёз ойларида жуда гавжум бўлар экан. Бировлар тўпли дардларини аритгани, яъни шифолангани, бировлар сув спорти бўйича мусобақалашгани, баъзилар унинг гўзаллигини тамоша қилгани узоқ-узоқ мамлакатлардан келишаркан.

Шерикларимиз ниҳоят етиб келишди. Иттифоқо чехословакиялик биродарларимиз ударни ушлаб олиб, балатон винолари билан роса меҳмон қилишибди. Кечқурун эса биз-нинг меҳмонхонамизга келишадиган бўлишибди.

Меҳмонларни кутиб олиш тараддудини кўриш учун ошиқиб йўлга тушдик. «Тулипан» меҳмонхонаси яна обод бўлди.

Бу сафар венгер, рус, чех ва словак халқларининг вакиллари зални тўлдиришди. Чехословакиялик дўстларимизни топганимиз — рус ароғи, балатон виноси, венгер пивоси ва таомлари билан меҳмон қилдик. Уч халқ ўртасида дўстлик, қардошлик шаънига қадаҳлар кўтарилди. Ўзаро, самимий суҳбатлар бошланди. Менинг ёнимдаги ўрта ёшлардаги словак ўзининг революцион ҳаракатда қатнашгани, Россияда бўлганлиги, рус-чехословак халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик ҳақида рус тилида билган сўзларини ишлатиб сўзларди. Бирдан «қўшиқ айтамиз!» деган таклиф тушди. «Подмосковние вечера» деган рус қўшиғи янгради. Чехословак, венгер оғайниларимиз қўшиқнинг ёқимли нақоратига жўр бўлишар, куй ва садо гўё бир қалбдан чиқаётгандек ҳис қиласиз. Чап томондаги пейзажда эса табиат манзараларидан ажойиб бир кўриниш ифода қилинган: икки томонида тераклар қад кўтарган боғ кўча, узоқдан қорли тоғ чўққилари кўзга ташланади. Кўмкўк барглар орасидан оппоқ бинолар ялтираб кўринади. Рассом табиатнинг гўзаллигини жонли бўёқларда акс эттиришга ҳаракат қилиб, асарнинг муваффақиятли чиқишига эришган.

Рўпараласи портрет ҳам ғоят таъсирли чиқибди. Бунда тошкентли донгдор пойафзалчи Убай Раҳматуллаев ўз ҳамкасбларига иш тажрибасини сўзлаб бермоқда. Ғоят усталик билан ишланган бу расмнинг бунёдга келишида Ҳикмат аканинг А. Абдуллаев, С. Муҳамедов, М. Набиев сингари рассомлар билан ҳамкорликда кўп меҳнат сарф қилганлиги сезилиб турибди. Картина Бутуниттифоқ рассомларнинг асарлари виставкасида яхши баҳо олган.

Ҳонадаги расмлар Раҳмоновнинг ўз ижодий тематикасини бойитиб бораётганлигини кўрсатади. Ана у расм ёш туристлар ҳаётига бағишланган. Бунда бир гуруҳ пионерларнинг тоғларда сайр қилиб, Ватанимизнинг табиий бойлигини зўр қизиқиш билан ўрганаётганликлари акс эттирилган. «Ёш туристлар» деб аталувчи бу расм Ўрта Осиё рассомлари асарлари виставкасига қўйилганида жамоатчилик томонидан юқори баҳоланди.

1948 йилдан буён ижодий иш билан шуғулланиб келаётган Рассом Раҳмонов янгиданянги асарлар яратиш учун қунт билан ишламоқда. Ҳикмат ака кўпроқ табиат лавҳаларини ифодалаш, шу лавҳалар фонида кишиларимизнинг ижодий меҳнатини ва кайфиятини акс эттиришга ҳаракат қилади. «Қўрғонтош», «Чимён», «Яйловда», «Бурчмулла йўлларида» деб аталувчи пейзаж эскизлар ва бошқа шу сингари асарларни кўрар экансиз, ўзингизни гўзал табиат қучоғида юргандек, кишилар билан суҳбатлашаётгандек сезасиз.

Ҳикмат ака республика Рассомлар союзининг бошқа аъзолари қаторида ўзбек адабиёти ва санъати декадасини янгиданянги асарлар яратиш билан кутиб олиш учун тинмай ижод қилмоқда. «Яшил сочлар» деб аталувчи асар шулар жумласидандир. Бунда баҳор пайтида ўқувчи қизлар тол баргидан сочпопук қилиб ўйнаб юрган ҳолда акс эттирилган. Бадиий салонга топширилган бу асар ҳам юқори баҳо олди.

Рассом шу кунларда кўпгина пейзажлар қаторида «Ҳашарчилар», «Пахта байрами» сингари асарлар устида ҳам иш олиб бормоқда.

Н. РИХСИЕВ.

Суратда: ўртоқ Ҳикмат Раҳмонов иш устида.

Т. Одилбеков фотоси.

(Боши газетамизнинг 18 ,19, 22 ва 25 октябрь сонларида).

М. ЯҲЁЕВ.

(ДАВОМИ БОР)

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 30/X да янги спектакль **Зайнаб ва Омон.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 29/X да **Оқ айиқлар атракционининг давоми.**

«ИСКРА» (қишки) — кундуз ва кечқурун янги фильм **Оталаримизнинг ёшлиги.**

«ИСКРА» (ёзги) — кенг экранли фильм **Капитан қизи.**

КАФАНОВ номли — янги фильм **Юксак вазифа.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да **Шонр,** кундуз соат 2 дан **Юксак вазифа.**

«ХИВА» — **Дунай фарзанди.**

«САЛЮТ» — **Она қалби.**

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Оталаримизнинг ёшлиги.**

«УДАРНИК» — **Оталаримизнинг ёшлиги.**

ТОШКЕНТ РЕСТОРАНЛАР ТРЕСТИ

Тошкент ресторанларида ишлаш учун официантлар тайёрлайдиган

ҚИСҚА КУРСГА

Ўзбек йигит ва қизларини ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Ўқувчилар стипендия билан таъминланади.

Широкая кўча, 4-баракда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин. Телефон — 31-146.

М. Горький кўчаси, 21-тупик, 2-уйда турувчи **Рува Исакович Диникининг** Усташирин кўчаси, 74-уй, 5-квартирада турувчи Екатерина Лазаревна Канцлердан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 7-участка халқ судида кўрилади.

КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ ЎЗБЕКИСТОН КОНТОРАСИ

Ленинчи комсомолнинг 40 йиллик юбилейи шарафига

КИНОУСТАНОВКА ЭКРАНЛАРИДА КЎРСАТИШ УЧУН

ОРОЛ БАЛИҚЧИЛАРИ

НОМЛИ ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМ ЧИҚАРДИ.

Сценарий авторлари — **Н. Жапақов ва М. Мелкумов,** постановкачи — **Иўлдош Аъзамов,** операторлар — **А. Мусурис, В. Гришин.**

Бош ролларда: **Евгения Тэн, Наби Раҳимов, Б. Битюков, К. Қужабеков** ва бошқалар қатнашади.

Фильмни Тошкент киностудияси 1958 йилда ишлаган.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 34808, 136, Совет қурилиши бўлими 136, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135, Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135 Саноат ва транспорт бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156, Маҳаллий ахборот бўлими — 132, Секретариат — 29040, Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 05549. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Б-599.